O'zbekiston ovozi

№ 23
2020-yil, 1-iyul
Chorshanba (32.617)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Тедрос Гебрейесус,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори.

— Коронавирус 100 йил аввал 100 миллион одамнинг ёстиғини қуритган "испанка" эпидемияси сценарийси бўйича ривожланмоқда.

Айрим мамлакатлар ўз иқтисодиётини очиб, ижтимоий ҳаёт тикланганидан сўнг муаммога дуч келди. Одамлар вирус олдида ожизлигича қолмоқда. Глобал миқёсда пандемия ривожланиши жадаллашди.

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ушбу устувор масалалар юзасидан ўтган 3 йилда 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ислоҳотлар натижасида судлар томонидан илк маротаба 2 минг 273 фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинди. Инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун 60 нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходими жиноий жавобгарликка тортилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бундай ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Лекин халқ суд-ҳуқуқ тизимидан рози дейишга ҳали асос йўқ.

Айниқса, Андижон шаҳар ва Чироқчи туман ички ишлар идораларида яқинда содир бўлган фожиали ҳолатлар тизим раҳбарларини уйғотиши, аниқ хулосалар қилишга чорлаши лозимлиги қайд этилди. Ҳозирда ушбу жиноятларга алоқадор 11 нафар ички ишлар ходими қонун олдида жавоб бермоқда. 7 нафар раҳбар лавозимидан озод этилди, яна 16 таси интизомий жавобгарликка тортилди.

Олий Мажлис палаталари етакчилари бошчилигида парламент аъзолари жойларда халқ билан очиқ мулоқот ўтказганда жамоатчилик ушбу йўналишлардаги мавжуд адолатсизликларни очиқ-ойдин баён қилган.

Ушбу тажриба асосида бундан буён депутат ва сенаторлар ўзлари сайланган ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ва жамоатчиликни жалб қилган ҳолда Одил судловга кўмаклашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам мулоқот ўтказиб борадилар.

Давоми 2-бетда. ▶

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан оммавий ахборот воситаларининг барча йўналишлари – телевидение, радио, матбуот, фото ва интернет журналистикасида фаолият кўрсатаётган журналистлар ўртасида "Йилнинг энг фаол журналисти – 2020" танлови ташкил этилган эди.

Танлов ғолибларини аниқлаш, ижодий ишларни баҳолашда босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида чоп этилган мақолалар, телерадиоканалларда эфирга узатилган кўрсатув ва радио эшиттиришларда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар жараёни, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси ўз аксини топган материалларга алоҳида эътибор қаратилди.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари сафида газетамизнинг «Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий тарғибот» бўлими мудири Тоштемир Худойқуловнинг ҳам борлиги бизни қувонтирди, албатта.

Таниқли журналист Тоштемир Худойқулов ижтимоий муаммолар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган танқидий-таҳлилий мақолалари билан кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Ҳамкасбимизни мукофот билан муборакбод этамиз ва унга янада юксак ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Таҳририят

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

● "Ҳар бир ёшга – бир гектар" лойиҳаси бўйича барча ҳудудларимизда 65 мингга яқин ёш деҳқонга 54 минг 232 гектардан зиёд ер ажратилди.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли сўнгги уч йилда 560 минг 200 нафарга яқин ёш фуқаро иш билан таъминланди.

● Кейинги уч йилда республикамиздаги олий ўқув юртлари сони 60 фоизга ошиб, 116 тага етди. Улар орасида нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари борлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Мамлакатимизда олий таълим муассасаларига қабул квоталари сони изчил ошириб борилмоқда.

● Сўнгги уч йилда 2 минг 668 та ёш оилага уй-жой учун 121 миллиард 244 миллион сўм бошланғич тўлов маблағлари 20 йил давомида фоизсиз қайтариш шарти билан тўлаб берилди.

● "Ёшлар – келажагимиз" дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 7 минг 775 та бизнес-лойиҳасига 1 триллион 635 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, шу асосда 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилганини қайд этиш лозим.

● Ҳудудларда 27 та "Ёш тадбиркорлар" коворкинг-марказлари ҳамда 157 та "Ёшлар меҳнат гузари" фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуаларда 2 минг 200 нафардан ортиқ ўғил-қиз ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

● Саховат ва кўмак умумхалқ ҳаракати доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 4 минг 500 нафар аъзоси кўнгилли сифатида фаол иш олиб бормоқда.





2018-2019 йилларда биринчи инстанция судларида жами 192 та жиноят иши бўйича 307 нафар шахс оқланган бўлса-да, ҳеч қайси ҳолатда прокурор айбловдан воз кечмаган.

ОДИЛ СУДЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Аҳоли томонидан кўтарилган адолатсизлик ҳолатлари ва муаммолар ҳар чоракда маҳаллий кенгашларда танқидий муҳокама қилиниб, мутасаддилар олдига аниқ саволлар қўйилади ва фаолиятига баҳо бериб борилади.

Олий Мажлисдаги махсус қўмиталар ҳар бир ҳудуднинг одил судлов ва коррупция масалаларига оид рейтинги юритилишига бош-қош бўлиб, ҳар ярим йил натижалари бўйича парламент эшитувлари ва текширувларини ўтказиб боради.

Инсон ҳуқуқлари маркази, Омбудсман, Тошкент давлат юридик университетига "Инсон қадр-қиммати – энг олий қадрият" махсус ўқув модули бўйича барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиш вазифаси юклатилди.

Ҳозирги тергов сифати ва ходимлар малакаси талабга жавоб бермаслиги таъкидланди. Мисол учун, жорий йилнинг 5 ойида тергов органлари асоссиз айб қўйган 323 нафар фуқаро судлар томонидан оқланган, 1 минг 854 нафар шахсга нисбатан қўйилган асоссиз айбловлар олиб ташланган. Ўтган йилнинг ўзида 236 нафар оқланган шахсга давлат ҳисобидан 6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар тўлаб берилган.

Маълумки, судьялик лавозимини эгаллаш учун муайян иш стажига эга бўлиш, Судьялар олий мактабини ўқиб тугатиш каби талаблар қўйиш орқали танлов кучайтирилди.

Энди терговчиликка номзодларга ҳам шунга ўхшаш талаблар қўйилиши лозимлиги қайд этилди. Жумладан, бир қатор мутасадди идораларга Тергов институтини ташкил этиш, терговчилик касбини эгаллашга мутлақо янги талаблар ишлаб чиқиш, соҳага илғор тажриба ва стандартларни жорий этиш вазифалари қўйилди.

Яна бир муҳим масала – ҳуқуқ-тартибот идораларида ишларнинг терговга алоқадорлиги бузилиб кетган. Хусусан, шундай жиноят турлари борки, уларни ҳар қандай тергов идораси тергов қилиши мумкин бўлса, айрим моддалар эса қайси тергов органига мансублиги қонунда кўрсатилмаган.

Шунингдек, 2018-2019 йилларда биринчи инстанция судларида жами 192 та жиноят иши бўйича 307 нафар шахс оқланган бўлса-да, ҳеч қайси ҳолатда прокурор айбловдан воз кечмаган. Шу боис тергов жараёнидаги хатолар суд мажлисида аниқланса, прокурор суднинг тугашини кутиб ўтирмасдан, ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечадиган тартиб жорий этилиши лозимлиги қайд этилди.

– Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби! – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бироқ, жорий йилда аҳолидан тушган мурожаатларнинг 8 мингдан зиёди ёки 44 фоизида судларда ишлар тўлиқ ва холис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани билдирилган.

Яна бир мисол, 2019 йилда иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиғи, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Бу ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган қарорлар юқори судда ўзгараётгани, тадбиркор ва инвесторлар сарсон бўлаётганидан далолат беради.

Мутасаддиларга илғор тажриба ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини "бир суд – бир инстанция" тамойили асосида қайта кўриб чиқиш топшириғи берилди.

Суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган "назорат тартибида ишларни кўриш" амалиётидан тўлиқ воз кечилади.

Президент Шавкат Мирзиёев судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишига таъсир ўтказувчи барча омилларни, жумладан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш таклифини илгари сурди. Парламент палаталари ушбу таклифни кўриб чиқади.

Судлар чиқараётган қарорлар фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиши лозимлиги таъкидланди. Айрим судьялар тергов материалларига боғланиб қолгани, бу эса қонун, суд ва давлат обрўсига путур етказиши қайд этилди. Одил судлов халқнинг кўз ўнгида, очиқ-ошкора амалга оширилиб, адолат қарор топиши лозимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, судга бориш учун айрим туман ва шаҳарларимизда одамларга қулайлик яратиш зарурлиги ҳақида гапирди. Мисол учун, аҳолиси энг кўп туманлардан бири бўлган Ургутда (500 минг киши, 102 та маҳалла) фуқаролик суди йўқлиги сабабли 80 километр йўл босиб, Тойлоқ туманлараро судига борилади.

Шу боис судлар ва уларнинг фаолиятини оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Хусусий мулк қонун ва суднинг кафолатли ҳимоясида бўлиши зарур.

Охирги бир ярим йилда судлар томонидан ҳокимларнинг ер ажратиш, бино-иншоотларни бузиш ва хусусийлаштиришга оид 1 минг 730 та қарори бекор қилинган. Суд орқали ер муносабатлари билан боғлиқ мингта, ер-жой бузилишига доир 51 та, хусусийлаштиришга оид 62 та ҳолатда фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқи тикланган.

Хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқишни бекор қилиш, умуман, давлат идораларининг бундай ташаббус билан чиқишига йўл қўймаслик ва бу қонунда мустаҳкамланиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

– Ерга бўлган ҳуқуқлар кафолати кучайтирилиб, мулкий ҳуқуқларни бекор қилиш фақат суд тартибида ҳал этилишини қатъий белгилаш зарур, деди Президент.

Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари, барча сектор раҳбарлари ўз ҳудудларида ушбу талабларга қатъий амал қилинишини таъминлаши шартлиги қайд этилди.

– Бир нарсани билинглар – сармоя киритаётган инвестор, биринчи навбатда, ўз ҳуқуқлари суд орқали кафолатли ҳимоя қилинишига эътибор беради. Ҳамма раҳбарлар қулоғига қуйиб олсин: суд фаолиятига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, – деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Судьянинг фаолиятига тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлагани учун жавобгарликни кучайтириш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Маълумки, одил судловнинг ажралмас қисми – адвокатура, ушбу институтнинг адолат қарор топишидаги ўрни беқиёс. Ўзбекистонда бугун 4 минг атрофида адвокат фаолият кўрсатиб, ўртача 8,5 минг аҳолига битта шундай мутахассис тўғри келмоқда.

Адвокатларнинг 43 фоизи Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаса, вилоятларнинг 20 та туманида бирорта ҳам адвокатлик фирмаси рўйхатдан ўтмаган.

Адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этишни бекор қилиш, талабаликдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Юридик олий ўқув юртларида "адвокатлик фаолияти" мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади.

Давлат томонидан тақдим этилган адвокат танлашнинг очиқ-ошкора тартиби йўқлиги боис айрим терговчилар ўзига таниш адвокатларни чақириб, айбланувчига таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Масалан, Тошкент шаҳрида давлат томонидан адвокатларга ўтган йили 7 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, ушбу маблағнинг тенг ярми 20 та адвокатлик фирмасига берилган (жами 746 та шундай фирма мавжуд).

Шу сабабли тегишли вазирликларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизимини ишга туширишни топшириғи берилди. Бу дастлаб пойтахтимизда эксперимент тариқасида жорий этилади.

Шунингдек, ўта оғир жиноятда айбланаётган шахсларнинг иши бўйича, ундан ташқари, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётган ҳолатларда ҳам адвокат иштирокини мажбурий этиб белгилаб қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Адвокатлик фаолияти жозибадорлигини ошириш, бу касб эгаларининг ҳимояси ҳамда кафолатини кучайтириш бўйича қонун ҳужжатлари пакети ишлаб чиқилади ва муҳокамага олиб чиқилади.

Суд фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бугунги давр талабидир. Жорий йил якунига қадар Олий судда ягона "Адолат" ахборот тизимлари комплексини ишга туширириш вазифаси юклатилди.

Бунда барча учун судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш имконияти яратилади.

Судлар жорий йилда видеоконференция алоқа тизими билан 100 фоиз қамраб олиниши лозимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида навбатдаги муҳим масала – коррупцияга қарши кураш борасидаги ислоҳотлар муҳокама қилинди.

Жумладан, 143 та давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва хизмат кўрсатиш вақти 2 ҳисса қисқарди. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотларни олди-сотди қилиш жараёнларига ошкоралик ва очиқлик тамойиллари жорий этилди.

Маълумки, 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этиш ҳақидаги фармонни қабул қилди.

Агентлик тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари билан бирга қуйидаги вазифаларни амалга оширади.

Биринчидан, барча вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари ўз ҳудудларида, тармоқ раҳбарлари ўз тизимларида Агентлик билан бирга бир ой муддатда Коррупциядан ҳоли дастурини ишлаб чиқади. Бунда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда соҳаларни рақамлаштириш энг асосий вазифа бўлади.

Иккинчидан, коррупциянинг олдини олишда таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати йўлга қўйилади. Жумладан, Агентлик коррупцияга қарши курашиш ишларининг ҳолатини таҳлил қилиб, ҳар йили Президент ва Олий Мажлис палаталарига миллий ҳисобот киритиб боради.

Шунингдек, Агентлик кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан бирга аҳоли ва тадбиркорларнинг коррупцияга муносабатини мунтазам ўрганиши ва давлат идоралари фаолиятини баҳолаб бориши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Учинчидан, коррупцияга қарши курашишда кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор берилади. Бунинг учун Давлат бошқаруви академияси ва Тошкент давлат юридик университетида коррупция муаммоларини ўрганиш бўйича алоҳида ўқув модули, махсус кафедра ва магистратура мутахассислиги очилади. Шунингдек, раҳбар ходимлар, айниқса, ҳокимларнинг бу борадаги билим ва кўникмасини шакллантириш бўйича малака ошириш курслари ташкил этилади.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ижросини ташкил этиш юзасидан ахборот берди.

ЎзА

Давоми, бошланиши 1-бетда. ▶

МУНОСАБАТ

ҲАҚИҚАТНИ ТЎҒРИ АЙТА ОЛИШ ҲАМ МАҲОРАТ, ҲАМ ЖАСОРАТДИР

Шоира ҲАМРОЕВА, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Тезкорлик, холислик, ҳозиржавоблик ва албатта юксак жасорат — буларнинг барчаси замонавий журналистдан талаб қилинадиган энг муҳим жиҳатлардир. ОАВ ходимлари халқнинг дарди билан яшайди. Ўз навбатида одамлар уларга ишонади, суянади, муаммосини ҳал қилиб беришга қодир инсон, деб билади. Аслида ҳам чинакам касбини севган журналистлар ўзининг ташвишларини бир четга суриб, бошқаларнинг мушкулини осон қилиш пайида бўлади. Бир оғиз ширин сўз, раҳмат ёки шунчаки унинг ёнига келган инсоннинг масаласига ечим топилса ҳам, бахтдан кўзлари порлайди, ишидан мамнуният туяди.

Ҳар йили анъанавий тарзда нишонланадиган касб байрами арафасида журналистлар шаънига айтилган илиқ гаплардан руҳланиб бир йил давомида тиришиб-тирмашади. Давлат раҳбарининг табриги эса унга қўш қанот бўлади, албатта. Бу йилги табрикда матбуот хизмати ходимлари фаолияти алоҳида тилга олингани ва уни янада жонлантириш учун билдирилган таклифлар ишимизга четдан қараб баҳо беришга ундади.

Қувонарлиси шуки, сўнгги уч йил ичида соҳага оид ўндан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди.

Масалан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида ўтган бир йил давомида қўплаб вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замон талаблари асосида қайтадан ташкил этилди. Бугун ҳеч бир ташкилот ёки муассаса матбуот ходимисиз ишлай олмаслиги, фаолиятини халққа намойиш эта олмаслиги кундек равшан. Шунинг учун ҳокимликлар, катта-кичик идораларда мазкур соҳа тизимли йўлга қўйилди.

Ана шу хизматлар томонидан ижтимоий жараёнлар ҳақида ишончли ахборот бериш мақсадида матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этилмоқда, ҳаётимиздаги муаммо ва ҳодисаларга тезкор муносабат билдирилмоқда, уларнинг веб-сайтлари, ижтимоий тармоқлар, мобиль мессенжерлардаги саҳифалари янгилаб борилмоқда.

Бироқ ютуқлар билан бирга камчилик ва нуқсонлар бўлиши ҳам табиий. Жумладан, миллий медиа майдонимизда замоннинг ўткир талаб ва мезонлари, муҳим тенденцияларини очиб беришда сусткашликлар бор. Ҳали ҳам ўзимизни танқид қилишдан қўрқамиз. Айбимизни яширишга ҳаракат қиламиз. Аслида танқидий таҳлил асосида одамлар кутаётган мавзу ва муаммоларни дадиллик билан ўртага ташласак, уларга ечим топиш осонлашади, камчиликлар секин-аста барҳам топади.

Президент табригида билдилиган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, фаолиятимиздан қониқмасликни, ўз устимизда ишлаш, ўрганиш, одамлар олдида ҳақиқатни айта олиш жасоратига эга бўлиш кўникмасини янада оширишимиз керак. Лекин айрим журналист ва блогерлар каби шовшувга берилмаслик лозим. Оғзига келганни қайтармаслик ҳамманинг ҳам қўлидан келиши мумкин. Бироқ ҳақиқатни билим ҳамда профессионал малака билан айта олсакина жамоатчиликда тўғри тушунча ва қарашларни шакллантиришга эришамиз. Бу йўлда барча ҳамкасбларимга куч-ғайрат, маҳорат ва жасорат тилайман.

ОГОҲ БЎЛИНГ, ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ!

РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИ АХБОРОТИ

Жорий йил **1 июль** санасидан бошлаб:

Республиканинг барча ҳудудларида йирик **буюм бозорлари** ҳамда буюм савдоси билан шуғулланадиган йирик савдо мажмуалари ҳафтанинг **шанба ва якшанба кунлари** санитария-дезинфекция ишларини амалга ошириш учун ёпилади;

"Қизил" ва **"сариқ"** ҳудудларда **соат 07.00 дан 23.00 га қадар жамоат жойларида уч кишидан ортиқ тўпланиш ҳамда 23.00 дан 07.00 га қадар кўчаларда, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар олдида бўлиш ТАҚИҚЛАНАДИ;**

Бунда: фақатгина фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашганлиги, ҳомиладорлиги муносабати билан шифокор кўригидан ўтиш учун даволаш муассасасига ёхуд зарур дори-дармон харид қилиш мақсадида дорихонага бориб-келишига рухсат берилади;

мазкур талабларни бузган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади;

в) "қизил" ва "сариқ" ҳудудларда ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида жамоат транспорти ҳаракати камайтирилади.

Иккинчидан, коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари камаймаган давлатлардан **(қизил рейслар)** Ўзбекистонга кириб келаётган фуқароларга ўз ҳоҳишига кўра **14 кунлик карантин** назорати даврини ҳақини тўлаган ҳолда **меҳмонхонада** ўтказишнинг вақтинчалик **тартиби тасдиқланди.** Хусусан:

— Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан шакллантирилган рўйхатга киритилган **меҳмонхоналар** уларга тегишли объектларни **24 соат узлуксиз қўриқлаш бўйича Миллий гвардия** билан шартнома тузади;

— ушбу меҳмонхоналарда тиббиёт муассасалари томонидан шартнома асосида **кундалик тиббий хизмат** ташкил этилади;

— фуқаролар республиканинг халқаро **аэропортлари** ва **чегара ўтказиш пунктларидан** меҳмонхоналаргача **йўл патрул хизмати вакиллари кузатуви остида** транспорт воситалари билан етказилади.

Бундан ташқари барча юқорида қайд этилган талабларга қатъий риоя этган ҳолда, карантин назорати даврини ўтказиш учун меҳмонхоналарда жойлаштириш шарти билан хорижий мамлакатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахсларни **туроператорлар ва авиаташувчилар томонидан** ҳам республикага етказиб келиш рейслари ташкил қилинишига рухсат берилди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасига карантин даврида инвестиция лойиҳалари доирасида визасиз 30 кунгача келиши мумкин бўлган давлатлардан жалб қилинган мутахассислар учун:

— истисно тариқасида **Ўзбекистондан ҳудудидан чиқмасдан туриб** ишбилармонлик кириш визаси **(бизнес виза) олишга рухсат берилади.**

Тўртинчидан, коронавирус инфекциясини юқтирган **беморлар уч тоифага ажратилмоқда:**

— коронавирус инфекциясининг **енгил шакллари** аниқланган (касаллик **аломатларсиз** ўтаётган) беморлар;

— коронавирус инфекцияси **ўртача оғир** кечаётган (**тана ҳарорати кўтарилаётган**) беморлар;

— коронавирус инфекцияси **оғир** кечаётган беморлар.

Шу муносабат билан жорий йил **5 июль санасидан бошлаб** коронавирус инфекциясини юқтирган беморларни даволаш билан боғлиқ қуйидагиларни назарда тутувчи **ЯНГИЧА ТАРТИБ** жорий этилмоқда:

— касаллик **аломатларисиз** кечаётган **енгил** шаклдаги **беморлар** шифокор тавсиялари асосида, санитария-гигиена қоидалари ҳамда парвариш учун зарур шароитлар мавжуд бўлганда, **УЙ ШАРОИТИДА даволанишига рухсат этилади;**

— шифохоналарда ва уй шароитида даволанаётган касаллик аломатларисиз кечаётган енгил шаклдаги беморлар **10 кун муддатда клиник белгилари кузатилмаган тақдирда НАЗОРАТДАН ЧИҚАРИШ** амалиёти жорий этилади;

— коронавирус инфекцияси тасдиқланган **бемор билан бирламчи МУЛОҚОТДА БЎЛГАНЛАР** 14 кунлик карантин муддатини **уй шароитида** ёки тасдиқланган рўйхатга асосан **меҳонхоналарда** барча санитария-эпидемиология ва карантин чекловларига риоя этган ҳолда **ўтказишга рухсат берилади;**

— бирламчи скрининг тест таҳлиллари мусбат натижа берган **намуналарни тасдиқлаш таҳлилларини ўтказиш ваколати** Бош санитар шифокор кўрсатмаларидан келиб чиқиб **ҲУДУДИЙ санитария-эпидемиологик осойишталик марказларига берилади;**

— аҳолининг популяцион маълумотлар базасини яратиш мақсадида коронавирус **антитаначаларига** ИФА текширишларига, **давлат** тиббиёт муассасалари билан бир қаторда, **хусусий** соғлиқни сақлаш секторидаги **тиббиёт муассасалари** ҳам жалб этилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Касаллик **аломатларисиз** кечаётган **енгил** шаклдаги беморларни **уй шароитида** даволаш ва парваришлаш **ТАРТИБИ ишлаб чиқилади** ҳамда қабул қилинади.

Шунингдек, **ички ишлар** ва **Миллий гвардия** органлари ҳамда **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** томонидан уй шароитида даволанаётган касаллик аломатларисиз кечаётган енгил шаклдаги беморлар ва карантинга олинган мулоқотдагиларни **яшаш манзили бўйича ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ** олиб борилади.

Касаллик аломатларисиз кечаётган енгил шаклдаги беморларни уй шароитида даволаш ва парваришлаш **тартибини бузган фуқароларга нисбатан** эпидемияларга қарши кураш талабларини бузганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган **ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ** қўлланилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

«НИМАНИ ЁЗИШ ЭМАС, ҚАНДАЙ ЁЗИШ МУҲИМ!»



Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, "Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси Бош муҳаррир ўринбосари:

— Деҳқон экин экиб, бир йилда ҳосилини кўради. Чорвадор молини кўпайтириб, баракасини олади. Муҳими, улар меҳнатига яраша эътироф этилади. Ким яхши чорвадор ёки деҳқонлигини бир-икки йилда одамлар англаб олишади. Илм аҳлини-чи?

Илм аҳли меҳнатлари эътироф этилиши учун кўп йиллар тер тўкади. Оддий ўқитувчининг меҳнати у тарбиялаган болалар олийгоҳга киргани билан баҳоланса, олим ва кашфиётчининг иши, жойи келса, ундан ҳам кўп йиллик изланишлар оқибатида юзага чиқади.

Журналист деган машаққатли касб борки, уларнинг меҳнати осонликча кўзга ташланмайди. Фаолиятим давомида олдимга бир шиорни қўйганман: "Нимани ёзиш эмас, қандай ёзиш муҳим!" Бунга мисол, бир мавзуни танлаб, 4 нафар журналистга ёритишни топширсангиз, табиийки, 4 хил ёндашув бўлади. Амалиётга келган талабалар ёрдамида буни кўп бор синовдан ўтказганмиз. Сиз устоз ёки тажрибалироқ журналист сифатида уларнинг яхшисини саралаб оласиз. Бу соҳадаги оддий мисол.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ёки давлат аҳамиятига молик муҳим тадбирни ёритиш, жойига чиқиб масаланинг мазмун-моҳиятига етиш каби қатор йўналишлар борки, уларни ўзлаштириш, одамларнинг кўнглига ёқадиган тарзда ёритиш осонликча бўладиган иш эмаслигини биздан катталар ҳам кўп бора таъкидлашган. Буни соҳага илк қадам қўйган пайтларимиз устозларимиз назоратидан кичкина бир тадбирни ўтказолмай, қайта-қайта ёзишга уринганларимиз, уларнинг бугунги кунда ўз самарасини бераётган даккиларини эшитиб, тасаввуримизда минг бир азобда қолганимизда ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, бу фойдали азобни бошидан кечирмаган журналист ҳақиқий журналист бўлолмаса керак.

Демоқчиманки, ана шундай синовларда тобланган, соҳанинг сирсиноатини ўрганишга, одамларга маъқул бўладиган материаллар тайёрлашга қодир бўлгандагина журналист эътироф этилади. Ва бу сен кутмаган пайтда, сен кутмаган жойдан келадиган хушхабарга айланади.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови мен учун ана шундай кутилмаган хушхабар бўлди. Нега дейсизми? Чунки ўзимча соҳани яхши ўзлаштириб олдим, деб юрган пайтларим саноқли мақолаларни йиғиб, танловларга топширавергандим. Ўша вақтлари, "албатта мен ютаман, сабаби менинг мақолам ҳамманикидан зўр", деган тушунча бўлган. Насиб этмагандан кейин устозларимнинг маслаҳатларига таяниб, соврин ютишга эмас, соҳани чуқурроқ ўрганишга бел боғладим...

Тақдиримизда бор экан, камтарин меҳнатларимиз самараси мутахассислар томонидан маъқул кўрилиб, журналистика соҳасининг энг катта ютуқларидан бири насиб этди. Бобом раҳматли айтарди: "Болам, ёзиғингда бўлмаса, қувиб етолмайсан. Агар ёзиғингда бўлса, қочиб қутулолмайсан!" Шундай экан, барча ҳамкасбларимнинг ёзиғида меникидан-да хурсандчилик кунлар кўп бўлсин!

Қонунчилик палатаси депутатининг вазифаси, ваколатлари ҳамда мажбуриятлари нималардан иборат эканини тушунтиришга тўғри келади.

ДЕПУТАТ БИЛАН СУҲБАТ

МУҚАДДАС ЎРАЗАЛИЕВА:

ДЕПУТАТНИНГ ВАКОЛАТИ ЧЕКСИЗ ЭМАС

Ростгўйлик, дадиллик, жонкуярлик ва албатта, оналарга хос меҳрибонлик — буларнинг барчаси бугунги суҳбатдошимизда мужассам. Асосийси, вазмин кўринган чеҳранинг ортида қаттиққўллик, узоқни кўра билиш, ҳақиқатни айта олиш жасорати ҳам уйғунлашган. Ўз ишини тиббиёт соҳасидан бошлаган Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати. Унинг айтишича, халқнинг турткиси билан сайловда ўз номзодини қўйган ҳамда улар билдирган ишонч, қўллаб-қувватлаши натижасида ушбу мақомга эришган. Эндиликда сайловчилар ишончини оқлаш суҳбатдошимизнинг бош мақсадларидан биридир.

— Муқаддас опа, депутатликкача бўлган фаолиятингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Болалигимда ойимнинг ота-онасининг, яъни бувиларимнинг ёнига тез-тез бориб турардим. У ерда икки ҳолам тиббиёт ходими — ҳамшира бўлиб ишларди. Холаларимнинг оппоқ халатда, озода юришлари, ишдан чарчаб келганда ҳам кимдир ёрдам сўраб келса, рад этмасликлари хотирамга, юрагимга муҳрланиб борган.

Мактабни битириб, шаҳодатномани қўлимга олган куним дадамнинг ёнига бориб, шифокор бўлмоқчи эканимни айтдим. Шунда дадам "Бунча баланд дорга осилдинг, қизим. У ерга киргизишга, ўқитишга бизнинг кучимиз етмайди" деди. Насиб қилган экан ўқидим, оқ халатни ҳам кийдим, шифокор бўлдим. Дастлаб Тошкентдаги поликлиникада, 1998 йилда Зомин педиатрия шифохонасида иш бошладим, орадан 6 ой ўтиб, бош иммунолог лавозимига тайинлашди. Бу соҳа ўша пайтлари янги эди. Зомин туманидаги 0 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларни эмлаш ишларини режалаштириш керак. Билдирилган ишончни оқлаш ниятида кечалари билан ишлашимга тўғри келарди. Кейинчалик бош педиатр, бош шифокор ўринбосари лавозимларида ишладим.

— Бугунги кун тиббиёт соҳасида қандай ислоҳотлар амалга оширилиши керак ёки қайси ўзгаришни кераксиз, деб ҳисоблайсиз?

— Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар кун сайин кенгайиб, дадил тус олмоқда. Ҳудудларда янги шифо масканлари барпо этилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Натижада оналар ва болалар ўлими камайиб, хизмат кўрсатиш сифати ошиб бормоқда.

Бироқ мени ташвишга солган масалалар ҳам оз эмас. Бир мисол, оптималлаштириш натижасида Зомин туманидаги 24 та ҚВПнинг 7 таси қолиб, қолгани қисқартирилди. Ўзим қишлоқда яшайман, ўша ерда туғилиб, ўсганман. Шунинг учун қишлоқ шароитини, аҳолининг турмуш тарзи, топиш-тутишини яхши биламан.

Тўғри, қайсидир қишлоқда, маҳаллада шифокор бўлса, аҳоли у қадар қийналмайди, биринчи тиббий ёрдам ёки маслаҳатни олади. Шахсан бизнинг уйимиз кеча-ю кундузи ҳамма учун очиқ бўлган. Кечалари ҳам одамлар ёрдам сўраб келарди. Лекин уй шароитида бажариб бўлмайдиган ишлар ҳам бор. Ана шунда тиббий ёрдамга эҳтиёж сезган одамнинг ҳоли нима кечишини ўйлаб, қўлим калталигидан афсусланаман.

Мен яшайдиган қишлоқ туман марказидан 5 чақрим узоқда. **Бироқ марказдан 30-35 километр масофада жойлашган ҳудуд аҳолиси нима қилади? Ҳаммада ҳам автотранспорт йўқ. Кимнингдир юраги хуруж қилса, ҳомиладор аёлда эрта тўлғоқ бошланса, зудлик билан ёрдам кўрсатиш имкони йўқ-ку, беморнинг ҳаёти хавф остида қолади-ку. Узоқ масофага тез ёрдам машинаси етиб бориши учун вақт талаб этилади. Йўллар таъмирталаб ёки айланма бўлса, табиийки, у вақтида етиб бора олмайди. Тез ёрдам машинаси ҳайдовчи ёки тиббий ходимга боғлиқ бўлмаган ҳолатда кечиккан чоғда бемор хонадонидагилар жанжал кўтаради. Ҳатто муштлашишгача борилмяпти. Чунки яқинининг ҳаёт-мамоти билан боғлиқ муаммо пайдо бўлган пайтда одамнинг кўзига ҳеч нима кўринмай қолади.**

Шу сабабли парламентдаги фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари билан боғлиқ. қўмитада ҚВПларни қайта тиклаш масаласини муҳокама қилиб,

Кечаси кўзи ёрийдиган аёл ёки иситмаси кўтарилиб, талвасага тушиб қоладиган боланинг ҳаётини сақлаб қолиш даражаси пасайиб кетиши ҳақида огоҳлантирилди. Шунга қарамасдан 2та ҚВП опитималлаштириш сабабли қисқартирилди.

соғлиқни сақлаш вазирлиги эътиборига ҳавола қилмоқчимиз. Айниқса, туманлар марказларидан узоқда бўлган тиббиёт муассасаларини қисқартирилишига мутлақо қаршиман. Умуман олганда, ҚВПлар фаолиятини давом эттириш керак, деб ўйлайман.

Туман марказидан 35 километр олисда жойлашган Қорамозор деган ҚВП бор эди. Мана шу қисқартириш масаласи кўтарилган вақтда Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олис ҳудуддаги 2 та ҚВПни қисқартириш масаласи билан ишчи гуруҳи келди. Шунда туғиш ёшдаги аёллар сони, неча фоизининг автомашинаси борлигию ёш болаларда учрайдиган хавфли ҳасталиклар ҳақида айтдим. Кечаси кўзи ёрийдиган аёл ёки иситмаси кўтарилиб, талвасага тушиб қоладиган боланинг ҳаётини сақлаб қолиш даражаси пасайиб кетиши ҳақида огоҳлантирилди. Шунга қарамасдан 2та ҚВП опитималлаштириш сабабли қисқартирилди.

Қишлоқ аҳолиси камдан-кам ҳолларда шифохонага бориб даволанади. Шунинг учун ҳам ҚВПга бориб, даволанса, укол-дориларини қилдириб, бироз дам олиб, уйига қайтса, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд, кам таъминланган аҳоли вакиллари учун анча енгиллик бўларди.

— Депутат сифатида қандай таклифларингиз бор?

— Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзосиман. Биз жойларга чиқиб, аҳоли вакиллари билан учрашганимизда кўпроқ тиббиётга алоқадор саволлар билан мурожаатлар қилишмоқда. Жойларда тиббиёт ходимлари етишмаслиги, борларининг малакаси, билимини ошириш кераклигини айтишади.

Яқинда бир ёши улуғ отахон ёнимга келиб, айрим тиббиёт ходимлари ишидан қониқмаслигини, уларда етарли тажриба, билим ва малака йўқлигини айтди. Масалан, мавсумий касалликлар, сурункали даволанувчи беморлар бор. Улар бутун дунёда тан олинган стандартлар асосида даволанади. Айрим ҳолларда бир ҳудуд шифокорлари даволай олмаган оғирроқ беморларни бошқа туманга кўчирилиши ҳолатлари учраб туради. Бу ҳам аҳолида норозилик кайфиятини юзага келтиради. Шу каби ҳолатларни мисоллар билан айтган отахоннинг гапида жон бор. Сабаби врачлар малакасини ошириб бориш масаласи доимий ва тизимли йўлга қўйилиши зарур. Тўғри, ойлаб оиласидан, уйидан узоқда ўқиш имконияти бўлмаган мутахассислар ҳам бор. Лекин ҳеч бўлмаганда оғир касалликларни даволаш, кам учрайдиган ёки мавсумий хасталиклар ҳақида онлайн тизими орқали ўқитиб бориш лозим.

— Депутатларга аҳолининг мурожаати кўпроқ қайси масалаларда бўлмоқда?

— Жойларга чиққанимизда иш сўраб, йўлларни таъмирлаш кераклигини айтиб кўп мурожаат қилишади. Тан олиб айтиш керакки, ижтимоий соҳадаги муаммолар оз эмас. Бироқ ноўрин талаблар, мурожаатлар билан депутатни ҳам, турли идораларни ҳам овора қилаётган фуқаролар ҳам учрайди.

Сайловолди учрашувлар пайтида қай бир ҳудудга борсам, ўша ердаги аҳолига телефон рақамимни ёздириб келган эдим. Шу боис кўпчилик тўғридан-тўғри қўнғироқ қилиб, муаммосини айтади. Баҳоли қудрат масофадан туриб бўлса ҳам ёрдам

Раҳбар ҳалол бўлиши шарт. Ўшанда унинг ҳеч кимдан тили қисиқ бўлмайди. Хоҳлаган идорасига бемалол кира олади, қонуний талабларига муносиб жавоб олади. Коррупцияга йўл қўймаган раҳбарнинг ходимлари ҳамиша ундан миннатдор бўлади ҳамда унга мурожаат қилган фуқаронинг муаммоси осон ҳал этилади.

беришга, масалани ечишга ҳаракат қиламан. Яқинда "Янгиобод" туманида яшовчи аҳоли вакиллари қўнғироқ қилиб, 5 нафар фуқаро кредит ололмаётганини айтишди. Туман ҳокимлигига қўнғироқ қилдим, масалани тушунтирдим, мутасаддилар дарҳол уни ечишга киришди. Бир неча кун ичида 5 нафар эмас, 20 нафар фуқаро кредит олишга эришди ва миннатдорлик билдиришди. Лекин баъзида жуда ноўрин, ноқонуний талаблар билан қўнғироқ қилувчилар ҳам бўлади.

Мисол учун, **бир сайловчи "ўғлимни миллий гвардияга ишга жойлаштириб қўйинг" деса, яна бошқаси "менинг фарзандим олий маълумотли бўлиши керак, ўқишга киргизиб беринг", дейди. Бу ишлар қўлимиздан келмайди. Шундай бўлса-да, фарзанди қайси соҳага қизиқишини сўрайман, тайёрлов курсида ўқишида ёрдам қилишимиз мумкинлигини айтаман. Буни қарангки, боласининг ўқишга қизиқиши йўқ, лекин олий ўқув юртида ўқиши керак.**

Ахир ҳар бир масаланинг ўз тартиб-қоидаси бор. Олий таълим муассасасига ўқишга киришни истаган бола етарли билимга эга бўлиши зарур. Ҳуқуқ-тартибот идораларида ишлаш учун ҳам жисмоний тайёргарлик, ўзига яраша билим ва кўникмалар лозим. Буларни тушунтиришга ҳаракат қиламан. Аммо депутат бўлиб, нега ёрдам бермайсан, дейдиганлар топилади. Депутат, масалан, Қонунчилик палатаси депутатининг вазифаси, ваколатлари ҳамда мажбуриятлари нималардан иборат эканини тушунтиришга тўғри келади.

— Бир неча йил давомида коллеж директори бўлиб ишлагансиз. Яхши раҳбарга таъриф берсангиз.

— Энг аввало, ходимлари учун шароит қилиб берган раҳбарни яхши ишлаяпти, деб айтиш мумкин. Иккинчидан, раҳбар ҳалол бўлиши шарт. Ўшанда унинг ҳеч кимдан тили қисиқ бўлмайди. Хоҳлаган идорасига бемалол кира олади, қонуний талабларига муносиб жавоб олади. Коррупцияга йўл қўймаган раҳбарнинг ходимлари ҳамиша ундан миннатдор бўлади ҳамда унга мурожаат қилган фуқаронинг муаммоси осон ҳал этилади.

Мақтанишга кирса ҳам бир мисолни айтмоқчиман. Коллежлардаги штатлар қисқартирилганда 96 нафар ходимни ишдан бўшатишга тўғри келди. Улардан кимдир оила боқувчиси, 3-4 нафар фарзанднинг отаси бўлса, яна бошқаси отасиз фарзанд катта қилаётган аёллар эди. Ҳар бирини ишга жойлаштириш учун улар билан бирга юрдим. 96 нафар ходимнинг барчаси ишли бўлгачгина кўнглим таскин топади. Бу билан демоқчи бўлганим, яхши раҳбар ходимларининг яшаш тарзи билан қизиқади, барчага бирдек муомалада бўлади, ўзи ҳам, қўл остидагиларини ҳам коррупцион ҳолатга аралашишига йўл қўймайди.

Депутат билан яна бошқа масалаларда ҳам суҳбатлашдик. Унинг дилидаги гапларига қулоқ тутдик. Бошдан кечирганларини ошкор қилмаслик шарти билан сўзлаб берди. Шу сабаб баъзиларини ўзимизда олиб қолишни маъқул топдик. Зеро, инсон шаъни ва қадр-қиммати, хоҳиш-истаги ҳар нарсадан устундир. Муқаддас Ўразалиевадан блиц-саволларимизга қуйидаги жавобларни олдик.

— Аёлга таъриф беринг.

— Нозик гул, албатта.

— Оилада тинчликни асраш, бахтли бўлиш учун нима талаб этилади?

— Сабр.

— Депутат ва аёл ўртасидаги боғлиқлик.

— Ҳамма аёл ўз оиласида сиёсатчи, лекин ҳар бири депутат эмас.

— Депутатлик сиз учун нима?

— Бурч ва масъулият.

— Сизнинг кўнглингизни кўтарувчи, энг яхши гаплар қайси?

— Раҳмат, барака топинг.

— Биз ҳам сизга худди шундай, деймиз. Вақт ажратганингиз учун раҳмат, барака топинг...

«Ўзбекистон овози» мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАВА суҳбатлашди.

БМТ Бош котибининг Ёшлар масалалари бўйича элчиси Ўзбекистон ёшларига табрик йўллади

Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб 30 июнь – Ёшлар куни сифатида нишонлаб келинмоқда. Шу муносабат билан, БМТ Бош котибининг Ёшлар масалалари бўйича элчиси Жаятма Викраманаяке мамлакатимиздаги йигит-қизларга самимий табрик йўллади.

"Ассалому алейкум!

Менинг исмим Жаятма Викраманаяке ва мен БМТ Бош котибининг Ёшлар масалалари бўйича элчисиман.

Сизлар билан кетма-кет иккинчи йил Ўзбекистонда Ёшлар куни муносабати билан юзлашаётганимдан хурсандман.

Мамлакатингиз тобора барқарор ва ривожланган давлатга айланиб борар экан, бу жараёнда Ўзбекистоннинг гендер тенглигини таъминлашга содиқлиги ва ёшларни ривожлантириш масалаларига доимий эътибор бераётгани бизни чин маънода қувонтирмоқда.

Ёшлар мамлакат келажаги учун катта имкониятларни англатади. Ўзбекистонда аҳолининг учдан икки қисмини ўттиз ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Шу боис ёшлар салоҳиятини ошириш, улар учун муносиб иш ўринлари ва бошқа даромад манбаларини яратишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралиши, ушбу жиҳатга инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши мамлакатда тараққиёт ва барқарорликка эришиш гарови бўлиб хизмат қилади.

БМТ доирасида ва миллий платформалар ёрдамида ёшлар талаб ҳамда эҳтиёжларига йўналтирилган дастур, шу билан бирга, ташаббусларни уйғунлаштириш мақсадида мамлакат ёшлари билан мулоқотларнинг кучайтирилаётгани мамнуният бахш этади.

Ҳамкорликни кенгайтириш, жонли инновацион инвестиция экотизимини яратиш, ёшларнинг ташаббуслари ва инновацияларини кенгайтириш, шу жумладан давлат билан хусусий сектор ўртасида уйғунлик яратилиши – натижаларни тезлаштиришнинг ишончли йўлидир.

Ёшлар соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажариш учун мамлакат олдинга интилаётган ушбу кунда ислоҳотларнинг барча жабҳаларни тўлиқ қамраб олишини, ҳеч кимни, шу жумладан ёшларни орқада қолдириб кетмаслик каби шиоримизни ҳаётда амалий таъминлаш муҳимдир.

Аҳолининг заиф қатламлари муаммоларига алоҳида эътибор бериш жуда муҳимдир. «Ёшлар – 2030» бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёшлар бўйича қўйилган мақсад ва натижаларга эришишда баркамол авлод ва ҳукумат билан биргаликда ишлаш, турли манфаатдор томонларнинг куч ва салоҳиятини бирлаштириш имкониятидир.

Шу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканини таъкидлашни истардим.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни миллий байрам – Ёшлар куни билан табриклаймиз!

Эътиборингиз учун раҳмат!"

"Дунё" АА, Нью-Йорк.

Онлайн ёшлар форуми

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ёшларнинг биринчи онлайн форуми ўтказилди. Унда партия масъуллари, депутатлар, "Истиқбол" ёшлар қаноти етакчилари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, партия Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов сўз олиб, йигит-қизларни ҳар томонлама соғлом, зукко, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган авлод сифатида вояга етказиш энг биринчи ва муҳим вазифа эканини таъкидлади. Ўз навбатида ёшлар ҳам яратилган шароитларга муносиб жавоб қайтариши, билдирилаётган ишончни оқлаши зарурлиги қайд этилди.

Форум иштирокчилари эса ёшларни ўйлантираётган муаммолар ҳамда уларнинг ечими бўйича таклифларини билдирди.

— Бандлик доимо энг долзарб масалалардан бири бўлган,— деди **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш институти ходими Адҳамжон Усмонов.** — Албатта, Ёшлар Иттифоқи ташкил топгандан сўнг бандлик соҳасида самарали ишлар қилинди. Кўплаб йигит-қизларга ишини бошлашда, маҳсулотларини экспорт қилишда амалий кўмак берилди. Шунингдек, «Ёшлар келажагимиз» давлат дастури асосида 4633 лойиҳани амалга ошириш учун уларга 719 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. Бироқ ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Битирувчиларнинг касбга тайёргарлик лаёқатини олайлик. Ижтимоий сўровлар натижасига кўра, иш берувчилар бор-йўғи 21,3 фоиз битирувчининг касбга таёргарлик даражасидан мамнунлигини билдирган. Қолганлари эса уларнинг малакасини ошириш зарурлигини айтган. Акс ҳолда, меҳнат бозорида рақобатбардош, барқарор бўлишда вақтдан ютқазиб қўйиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, бир йилдан уч йилгача меҳнат стажига эга бўлган ёшларни ишга олишга ҳаракат қилишмоқда. Бундан кўринадики, олий таълим муассасаларида ўқув сифатини ошириш, амалиётга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

— Фарзанд дунёга келгач, ота-онаси уни тарбиялайди, вояга етказади, жамиятнинг фаол аъзоси бўлиши учун қўлдан келганча ҳаракат қилади, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Мамажонова.** — Бироқ ҳаммада ҳам бундай имконият бўлмаслиги мумкин. «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ана шундай қўшимча эътиборга ва ғамхўрликка эҳтиёжманд қатламдир. Уларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши, бандлигини таъминлаш масаласини чуқур ўйлаб кўришимиз лозим. Маълумотларга кўра, 2015-2019 йиллар давомида «Болалар шаҳарчалари» ҳамда «Меҳрибонлик» уйларини минг нафардан ортиқ йигит-қиз битирган. Шундан атига 40 фоизи турар жойга эга бўлган. Уларнинг аксарияти олий таълим муассасасини тугатгандан сўнг ҳам иш топишга қийналганини айтишган. Демак, тизимда ҳамон муаммолар мавжуд. Буларни ҳал этиш эса барчамизнинг зиммамиздаги вазифадир.

— Камбағалликни қисқартириш борасида кўп гапириляпти, — дейди **халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Эргаш Абдураимов.** — Кимгадир моддий кўмак бериш билангина муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Инсон ўз ҳаёти учун ўзи курашмаса, ҳаракат қилмаса, барча кўрилаётган чоралар бекор кетади. Аввало, одамнинг тафаккурини ўзгартириш керак, деб ўйлайман. Бунинг учун психологик тренинглар, ўқувлар ташкил этилиши лозим. Ана шунда тенгдошларимиз бизнесни, тўғри ва самарали пул топиш йўлларини ўрганади.

— Ҳар бир янгиликни амалиётга жорий этар эканмиз, ногиронлиги бўлган тенгдошларимиз борлигини унутмаслигимиз зарур, — деди **халқ депутатлари Косонсой туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Жавлонбек Абдуллаев.** — Улар орасида қўли гул усталар, ҳунармандлар бор. Имконияти чекланган тенгдошларимизнинг маҳсулотига харидор топишда ХДП ташаббусни қўлига олиши, энг маъқул механизмни ишлаб чиқиши лозим. Шунингдек, янги ташкил этилаётган ёшлар парламентида ҳам уларга алоҳида жой ажратилиши керак, деб ҳисоблайман. Шундагина улар партиянинг амалий ишини ўз ҳаётида ҳис этади, ислоҳотлар иштирокчисига айланади.

Ўз мухбиримиз.

"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати учун тижорат банкларида махсус ҳисоб-рақамлар очилиб, уларга жами 11 млрд. 362 млн. сўм маблағ келиб тушган.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР

жойларда қандай ижро этилмоқда?

Бугун пандемия, коронавирус, COVID-19 сўзларини эшитмаган ва унинг маъносини билмаган одам топилмаса керак. Бу бало одамзотга катта ташвиш келтирди. Шу билан бирга, ҳаёт қадри ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга ўргатди. Айни чоғда ўзимизни ҳимоялаш, карантин шароитида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишга кўникма ҳосил қилдик. Афсуски, кўринмас душман ҳамон инсониятга хавф солиб турибди.

Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, ушбу мураккаб даврдан энг кам талофатлар билан чиқиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, ижтимоий барқарорликни сақлашга қаратилган бир неча муҳим қарор ва Фармонлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда аҳолига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга турли имтиёз ва енгилликлар бериш ўта долзарб, кечиктириб бўлмайдиган масалалар сифатида белгиланди.

Эндиликдаги вазифа эса уларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш ва назорат қилишдан иборатдир. Бу борада депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Шу боис тадбиркорларга берилган имтиёзлардан қай даражада фойдаланилаётгани, пандемия даврида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш масалаларини ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилди. Улар зиммасига халқ билан мулоқот қилиб, яқиндан ўрганишлар олиб бориш вазифаси юклатилди.

Ишчи гуруҳи аъзолари жорий йил 15-25 июнь кунлари Самарқанд вилоятида бўлиб, аҳолининг турмуш даражаси, яшаш тарзи билан яқиндан танишди. Камбағалликни қисқартириш, тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича секторлар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳақиқий ҳолати ўрганилди. Жойларда аҳоли вакиллари, фермер ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Комиссия томонидан таҳлилий ўрганиш натижалари 2020 йилнинг 26 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида муҳокама этилди. Онлайн видеомулоқот шаклида ўтган йиғилишда Самарқанд вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, секторлар раҳбарлари, халқ депутатлари вилояти Кенгашида тузилган комиссиялар раислари, вилоятдаги мутасадди идоралар вакиллари масофадан иштирок этди.

Йиғилишда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов** ҳозирги шароитда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига тўхталиб, Президентнинг инқирозга қарши чоралар дастури давлатимиз ижтимоий масъулиятининг янги стандартини шакллантиришга туртки бўлишини таъкидлади. Қайд этилдики, пандемия шароитида эҳтиёжманд аҳолига манзилли ёрдам бериш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ишларини тизимли бажариш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ талаб этилади. Мавжуд камчиликларни ҳал этишга яқиндан кўмаклашиш парламент зиммасидаги масъулиятли вазифа бўлиб, депутатлар ҳудудлардаги ҳаётни чуқур ўрганиш орқали, реал муаммолар ечимига ҳисса қўшиши зарур.

Шунингдек, **Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари Улуғбек Иноятов** таҳлилий ўрганиш натижалари, вилоятдаги умумий ҳолат, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида маълумот берди.

Самарқанд вилоятида коронавирус пандемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, унинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кечиктириб бўлмайдиган вазифалар ижроси алоҳида назоратга олингани айтиб ўтилди.

Вилоятда 1096 та маҳалла фуқаролар йиғини, 3 млн. 878 минг нафар аҳоли, 904 мингдан ортиқ оила бўлиб, шундан 47703 таси ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оила сифатида рўйхатга олинган. Уларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилмоқда, яъни бандлиги, даромадга эга бўлиши таъминланмоқда. Меҳнатга лаёқатли бўлмаган кишиларни доимий ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий нафақалар ўз вақтида ва тўғри тайинланиши назорат қилинмоқда.

Маълумотларга кўра, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати учун тижорат банкларида махсус ҳисоб-рақамлар очилиб, уларга жами 11 млрд. 362 млн. сўм маблағ келиб тушган. Вилоятнинг 16 шаҳар ва туманида ташкил этилган жамғарма бўлинмалари томонидан 13 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари эҳтиёжманд оилаларга етказиб берилиши йўлга қўйилган.

Парламент ишчи гуруҳи вилоятда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим хато-камчиликлар, сансоларликлар, имкониятлардан унумли фойдаланилмаётганини аниқлади. Қатор масалалар депутатлар ташаббуси билан секторлар, мутасадди ташкилотлар иштирокида жойида ҳал этилди. Ечимини кутаётган муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Ўрол ЎРОЗБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Ишчи гуруҳи билан бирга Қўшрабод ва Иштихон туманларида бўлдик. Ўнлаб хонадонларга бориб, аҳоли вакиллари билан суҳбатлашдик. Фермерлар, кичик бизнес эгалари, тадбиркорларнинг фаолияти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Майда масалаларнинг катта муаммога айланиб кетмаслиги учун уларни ўз вақтида ва жойида ҳал қилиш талаб этилади.

Шу мақсадда, асосий эътибор коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёз ва енгилликлар қай даражада қўлланилаётгани, бизнес эгаларини яна қандай масалалар ўйлантираётганига қаратилди.

Ижобий ишлар ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Чунки бу қилиниши зарур бўлган вазифалардир. Лекин камчиликларни айтиш, уларнинг ечими ҳақида жиддий бош қотириш бурчимиздир. Айрим мутасаддилар зиммасидаги масъулиятни ҳали ҳануз яхши англаб етмаяпти чоғи муаммолар узил-кесил ҳал этилмаяпти.

Айтиш керакки, кредит бериш соҳаси ислоҳотларга тўлиқ мослашиб кета олмаяпти. Шундан бўлса керак, вилоятда банклар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредитлар кечиктириляпти. Молиявий хизматларга талабни тўлиқ таъминламаслик, инвестиция лойиҳаларини вақтида қўллаб-қувватламаслик каби камчилик ва сусткашликлар кузатилаётгани ҳам бор гап. Вақоланки, бугунгидек мураккаб шароитда ташаббус кўрсатиб, виждонан ишлаши талаб этилади. Акс ҳолда, муаммолар кўпайиб, одамлар қийин аҳволда қолади.

Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Бугун кимнидир танқид қилиш, шаънига аччиқ гап айтишнинг ўзи мушкул. Сабаби бутун ер юзидаги оғир вазият босиқликни, сабрлиликни, бирлашишни талаб қилмоқда. Шунга қарамасдан, депутатлар жойларда аҳоли муаммоларини ўрганиш, реал ҳаётга ҳаққоний назар билан қараш ишларини олиб бормоқда.

Ўн кун давомида Жомбой ва Булунғур туманларида бўлдик, меҳнаткаш, самимий одамлар билан учрашдик. Уларни ташвишга солаётган масалаларни ўргандик. Айрим муаммоларга мутасаддилар иштирокида ечим топилди, қолганлари назоратга олинди. Қувонарлиси, ҳамюртларимиз бугунгидек мураккаб шароитда вақимага ва тушкунликка берилмай, ўз муаммолари билан банд.

Бироқ айрим камчиликлар ҳам аниқланди. Масалан, ижтимоий муҳофазага муҳтож ёки карантин шароитида оғир аҳволга тушиб қолган оилалар рўйхати тўлиқ шакллантирилмаган, уларга етарли даражада ёрдам кўрсатилмаган. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан уч томонлама шартномалар асосида субсидиялар ажратилмаётгани билан боғлиқ ҳолатлар кузатилди. Мутасаддилар томонидан ишлар етарли даражада олиб борилмагани натижасида иссиқхона қуриш, суғориш воситалари, уруғлик ва кўчатлар харид қилиш кечикиб кетмоқда. Муаммоларни санаш билангина ҳал этиб бўлмайди. Уларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини кучайтириш зарур. Ишчи гуруҳимиз томонидан бу борада тегишли вазифалар белгиланди.

Йиғилишда, шунингдек, коронавирус пандемияси даврида тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш масаласи ҳам муҳокама этилди. Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари тиббиёт ходимларига тўланиши белгиланган қўшимча устамаларни ажратмаган ҳолатлар танқид қилинди. Айрим жойларда коронавирусга чалинган беморларни даволашда қатнашаётган ходимларга қўшимча тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган. Бундай камчиликларга бефарқ қараб бўлмайди албатта.

Парламент ишчи гуруҳи ўрганишлар давомида аниқланган хато-камчиликларни жойида бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши йиғилишида пандемия шароитида ишларни янада самарали ташкил этиш, секторлар, бошқа мутасадди ташкилотлар масъулиятини кучайтириш, муаммоларни зудлик билан бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди.

Ишчи гуруҳи аъзоларига қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш тавсия қилинди. Ўрганиш давомида вилоятда аниқланган, республика даражасида ҳал этиладиган муаммоли масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга парламент ҳамда депутатлик сўровларини юбориш кераклиги таъкидланди. "Ҳукумат соат"ларини ўтказиш масаласи ҳам қўллаб-қувватланди.

Самарқанд вилоятида ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокамаси якуни бўйича Қонунчилик палатаси Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ДАВРА СУҲБАТИ

МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ КАСБ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни олдидан «Ўзбекистон овози» ва Голос Узбекистана» газеталари таҳририятида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва таҳририятимиз ҳамкорлигида «Журналистиканинг долзарб муаммолари: танқид, таҳлил ва таклифлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуда ВОРИСОВА давра суҳбатини олиб борди. У журналистларни байрам билан табриклади ва мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилаётган бугунги тарихий даврда ОАВ зиммасида турган вазифалар ва журналистлар масъулият ҳақида фикр юритди. Хусусан, бугунги сўз эркинлиги туфайли матбуот ва журналистика соҳасида туб ислоҳотлар бўлаётганини таъкидлади.

— Тан олиш керак, ОАВ ходимларидан камдан-кам ҳолларда уларни қийнаётган масалалар ҳақида сўраймиз. Бизнинг назаримизда журналистлар "темир" одам. Улар доимо соғ бўлиши, воқеа жойига тезкорлик билан етиб келиши, хатога йўл қўймаслиги, холис ва жасоратли бўлиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Мазкур касб эгаларининг кайфияти, соғлиғи, оилавий аҳволи қандай экани кўп ҳолларда бизни қизиқтирмайди. Аслида журналист ҳам сизу биз каби ҳаёт ташвишларига эга инсондир.

Тарих сонияларини газета саҳифаларига, видеотасвирларга муҳрлашда журналистларнинг меҳнати беқиёс. Биз вақт ўтиб, ўтмишда бўлган воқеа-ҳодисалардан айнан журналистларнинг меҳнати маҳсули билангина бохабар бўла оламиз. Менинг отам ҳам журналист бўлган. Шу боисдан бу касбнинг оғир-енгилини яхши биламан. Дадамнинг бир мавзуни ёритиш учун ўнлаб китобларни варақлагани, мутахассисларнинг фикрларини ўрганганига гувоҳ бўлганман. Мақола сарлавҳаси борасида бир тўхтамга келиши учун, икки-уч қоғозни тўлдирарди. Газетада нашр қилингач,боласини эркалагандай, муҳим кашфиёт қилган инсондек қайта-қайта ўқир ва ўз камчиликютуқларидан хулоса чиқararди.

Дадамнинг касбдошлари бўлган қадрли журналистларни касб байрами билан самимий муборакбод этаман. Уларнинг машаққатли ва шарафли фаолиятида куч-қувват ҳамда омад тилайман.

Давра суҳбати иштирокчилари мавзу бўйича ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Ҳусан КАРВОНЛИ,
«Маърифат» газетаси Бош муҳаррири:

— Мамлакатимизда маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Лекин маънавият масаласини ҳеч қачон бозор муносабатларига аралаштирмаслик керак. Журналистика ҳам маънавиятнинг муҳим бир кўринишидир. Газетани фақатгина "катта"лар ўқийди, деганлар қаттиқ адашади.

Шу ўринда, бугунги кун нашрларини уч тоифага ажратиш мумкин, деб ўйлайман. Биринчиси, ҳукумат тасарруфида бўлган газеталар. Уларнинг адади анча юқори. Иккинчиси, замонавий фикрлайдиган, маънавиятни ҳурмат қиладиган муассисга эга нашрлар. Учунчиси эса бозор муносабатларига мослашишга интилаётган газеталар. Партия нашрлари, «Оила даврасида», «Жамият», «Маърифат» ва шунга ўхшаган матбуотни бу гуруҳга қўшиш мумкин, менимча.

Айни вақтда газеталарнинг ҳамда таҳририятларда ишлайдиган журналистларнинг аҳволи кўпчиликка маълум. Бунинг сабабалари ҳам ҳеч биримизга сир эмас. Тан оламан, ўтган обуна мавсумидан икки-уч ой ўтиб, вазиятга мослашиш қийин бўлди. Аксарият бош муҳаррирлар сингари маркетинг, менежмент соҳасига оид билимларни эгаллашимга тўғри келди. Газетамизнинг мобиль иловасини яратдик. Бироқ шунинг ўзи билан ҳаммаси жойига тушиб кетади, деб бўлмайди. Жамиятимизда газета мутолааси маданиятини оширишимиз зарур.

Биласизми, телеграм ҳамда facebook орқали ўқитувчилардан кунига турли масалаларда юзлаб мурожаатлар бўлади. Кўпчилиги мақоласини чоп этишда ёрдам сўрайди. Мақола чиққач эса газетани қаердан олишни билмайди, тополмаганини айтишади. Шу зайлда 20 га яқин ўқитувчини «Маърифат»га обуна қилдим. Бундан кўринадики, бизда обуна маданияти йўқолиб боряпти. Газета тарқатиш масаласида ҳам янгиликлар жорий этиш лозим.

Газетамиз Бош муҳаррири Сафар Остонов унинг фикрларини қўллади:

— Яқинда масъул лавозимдаги бир кишининг ижтимоий тармоқлардаги фикри баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. У охирги марта қачон газета ўқиганимни эслай олмайман, дебди. Бу гап оҳангидан ҳуддики, газета ўқимаслигидан мақтанаётганга ўхшайди. Қачон газета ўқиганини эслолмаса, газеталар ҳақида фикр билдиришга ҳаққи борми унинг?

Обуна, деган сўзга қўрқув билан қарайдиган раҳбарлар ҳам пайдо бўлди. Обуна мажбурий бўлмаслиги керак, аммо обунани тарғибот қилиш, тавсия этишнинг нимаси ёмон? Китоб ўқиётганларга машина совға қилаяпмиз-ку. Бу — тарғибот, китобхонларга эътибор. Газетхонликни қадрлашни ҳам ўйлаб кўрайлик. Ўқитувчи «Маърифат»га, шоир ва ёзувчи «Адабиёт ва санъат»га, депутат, сенатор «Халқ сўзи»га, партия аъзолари, фаоллари, партиядан сайланган депутатлар партия нашрларига обуни бўлишининг нимаси ёмон?

Иккинчи масала бу — газеталаримиз савиясини бугунги кун талаби даражасига кўтариш, таҳлилий-танқидий мақолаларни кўпайтириш, муаммолар тўғрисида дадил гапириш. Бу ёғи журналистнинг билими, маҳоратига боғлиқ.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
«Оила даврасида» газетаси Бош муҳаррири:

— Муассис ва ОАВ ўртасидаги муносабатларга аниқлик киритилиши лозим, деб ўйлайман. Газета ишининг ташкил этилишидан тортиб, ўқувчилар қўлига етгунча бўлган жараёнда муассис кўмаклашиши лозим. Негаки, нашрнинг чоп этилишидан муассис ғоявий манфаатдор бўлади.

Яна бир гап. Нашрларни қанчалик кучайтирмайлик, тарғиботини амалга оширмайлик, газеталарнинг обуначига етказиш, сотувини йўлга қўйишда соҳада тизимлилик бўлмаса, фойда бермайди. Телевидение ва сайтлар орқали газеталар шарҳи бериб бориляпти. Энг сара мақолалар реклама қилиняпти. Аммо аҳоли газетанинг шу сонини қаердан олиб ўқиши мумкин? Вилоятларнинг чекка ҳудудларида матбуот дўконлари ишламайди ёки улардан бошқа мақсадларда фойдаланиляпти. Хўш, бу вазиятда нима қилиш лозим?..

Шунингдек, журналистларнинг қонунга итоат этиши ҳақида гапириб ўтсам. Босма нашрларда хато ёки ёлғон маълумот чоп этилиб кетса, кейинги сонда узр сўралади, изоҳ ёки тузатиш берилади. Интернет сайтларида эса ҳозир ўқиган хабарингизни ярим соат ўтиб, топа олмай қолишингиз мумкин. Ҳолатга бирор изоҳ ҳам берилмайди. ОАВ тўғрисидаги қонун битта. Бу барча ОАВлар фаолиятига тегишлидир. Мана шу масалаларда ҳам қонунчиликка қўшимча ва ўзгартишлар киритилиши лозим, деб ўйлайман.

Айрим нашрларда реклама материаллари қонунчиликда белгиланган меъёрдан ошиб кетади. Буни ҳам назорат қилиш, маълум бир тартиб-қоида киритиш керак. Таҳририятнинг муаллифлик мақолалари фоизигача қонунчиликда акс эттирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Зиёда АШУРОВА,
«Халқ сўзи» газетаси мухбири:

— Аввало, касб байрамимиз билан барча ҳамкасбларимни табриклайман. Журналистлар учун ҳеч бир давр осон кечмаган. Пандемия даврида ҳам бошқа соҳалар сингари ОАВ ходимлари четда турмай, меҳнат қилди, аҳолини зарурий ахборот билан таъминлаб турди. Хусусан, «Халқ сўзи», «Янги Ўзбекистон» газеталари узлуксиз чиқиб турди. Телевидения ва радио мунтазам равишда аҳолини ахборот билан таъминлаб турди.

Анчадан буён Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан ишлаб келаман. Уларнинг фаолияти ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришларга муносабатларини ёритиб боряпмиз. Айтиш керакки, ҳар бир депутат сайловолди ваъдаларини қай даражада бажараётгани, фаолиятидан сайловчиларни хабардор қилиб бориши шарт. Қонунларга киритилаётган ўзгартиришлар ҳамда қўшимча моҳиятини аҳолига етказиш, тушунтириш муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси депутатдан озми, кўпми ўз фикрини ифодалай олишни талаб этади. Бироқ айрим депутатларимиз мақола ёздим, деб пресс релизни айнан кўчириб берган ҳолатлари ҳам кузатилган. Илгари умрида мақола ёзмаган депутатдан мақола талаб қилиш оғир масала, албатта. Аммо у мавзу бўйича фикр айта олиши керак, қолгани журналистнинг иши. Қабул қилинаётган қонуннинг аҳамияти ҳақида ўз сўзига эга бўлиши зарур. Баъзи депутатлар нима мавзуда ёзсам бўлади, деб сўрашади. Газета ўқимаган одамдан шундай фикр чиқади-да. Ўтган чақириқда сенаторларда ёзиш кўникмасини шакллантириш учун ҳудудларда конференциялар ўтказилган. Халқнинг дардини қандай олиб чиқиш мумкинлиги борасида тавсиялар берилганди. Ушбу амалиёт депутатлар ўртасида жорий этилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Депутат мақола ёзиши учун аввало ҳаётни зийраклик билан кузатиб бориши, таҳлил этиб, хулосаларга эга бўлиши лозим. Ва албатта газета ўқиб бориши керак бўлади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири:

— Ҳамкасбим Зиёда Ашурованинг гапларига қўшиламан. Депутат журналист эмас. Уларни мақола ёзолмасликда айблаш ҳам нотўғри. Лекин ҳар бир депутат ҳам мутахассис сифатида, ҳам индивидуал шахс сифатида ўз фикри, қараши ва позициясига эга бўлиши зарур. Баъзида бирор масала юзасидан тез муносабат билдириш, шарҳ ёзиш керак бўлиб қолади. Ана шунда журналистлар депутатларга мурожаат қилади. Кутилгандек жавоб ололмагач, ҳамма иш яна ўзимизга қолади. Уларнинг номидан мақола, муносабат, интервью ёзиб, депутатларни ўргатиб қўйганмиз. Яхшиси, савол берайлик, жавобини борича чоп этайлик. Ана шунда депутатлар гапиришни, фикр айтишни ўрганади.

Яқиндан бошлаб газетамизда "Депутат билан суҳбат" рукнини ташкил қилдик. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар билан суҳбатлар бериб бориляпти. Бу биз учун яхши тажриба бўлди. Чунки мулоқот асосида парламент вакилларининг дунёқараши, билими, фикрларини ўрганиш имконига эга бўляпмиз.

Мисол учун, Зулайхо Акромова билан кечган суҳбатда кутилмаган таклифлар, фикр-мулоҳазалар олдик. Демак, қарс икки қўлдан чиққанидек, журналист ва парламент аъзолари ўртасида доимий алоқани таъминлаш зарур. Уларнинг кўнглига йўл топиш бизнинг вазифамиз бўлса, очиқ ва ошкоралик билан ҳақиқатни сўзлаш депутатларнинг бурчи, деб биламан.

Шунингдек, давра суҳбати давомида «Ўзбекистон 24» радиоканали мухбири Зарбиби Чориева, «Ёшлар» радиоканали муҳаррири Шоҳида Зуфарова, «Янги Ўзбекистон» газетаси мухбири Гулсум Шодиева ҳам бугунги вазифалар, соҳа ривожи борасида ўз таклифларини билдиришди.

Тадбир якунида бир гуруҳ журналистларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.



Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУЮК САРКАРДАЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

«ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ» — бўлажак Ватан ҳимоячилари камол топадиган маскан

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари жанговар қудратини ошириш жараёнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш, ҳарбийларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун армия ва ҳарбий таълим муассасалари ўзликни англаш, миллий ғурур, мустаҳкам ирода мактабига айланди. Ёш аскар ва курсантлар учун ҳарбий қасамёд қабул қилишдан аввал Ўзбекистон тарихи фани ва "Темур тузуклари" китоби бўйича синов ўтказиш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Буюк саркарда Амир Темур бобомизнинг мардлиги ва ватанпарварлиги, жасорати ва адолатпарварлигини ёшларимизга ўрнак қилиш мақсадида мамлакатимиздаги барча ҳарбий лицейларга "Темурбеклар мактаби" деб ном берилди.

Чунки ҳар бир йигит-қиз, айниқса, ҳарбийлик касбини танлаган ёшлар жонажон Ватанимиз тарихини, халқ қаҳрамонлари, буюк саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чуқур билиши, улар билан фахрланиши керак. Бу ҳар бир инсонда миллий ғурурни, ватанпарварлик, фидойилик туйғусини тарбиялайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 2019 йил 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Фарғонадаги "Темурбеклар мактаби"да бўлди.

Мактаб ёшларни Республика Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий ҳарбий билим юртлари ва бошқа ўқув муассасаларига аниқ фанларга чуқурлаштирилган ҳолда тайёрлашга ихтисослаштирилган.

Академик лицейда ўқувчилар атрофлича чуқур билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. 40 ўринли Ахборот ресурс маркази, спорт зали, стадион, чўмилиш ҳавзалари, югуриш йўлаги, волейбол, баскетбол майдончалари мавжуд бўлиб, 30 дан ортиқ фан ва спорт тўгараклари йил давомида мунтазам фаолият юритади. 450 ўринга мўлжалланган ётоқхона, ошхона, Ахборот кутубхона маркази ҳам ўқувчилар ихтиёрида. Ўқувчиларга давлат томонидан тўрт маҳал бепул овқат берилади.

Дарслар давлат таълим стандартлари асосида ўтказилади. Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларга мутлақо бепул чуқурлаштирилган қўшимча машғулотлар (репетиторлик) ўтилади. Шунингдек, ҳар ойда белгиланган жадвал асосида ўқувчилардан мониторинг назорат тест олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ўқувчилар билан мунтазам равишда юқори тажрибага эга малакали психологлар иштирокида амалий машғулотлар олиб борилади. Бу ўқувчиларнинг руҳиятида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради.

Ҳар бир гуруҳда 25-26 нафар ўқувчига таълим-тарбия берилади. Академик лицейнинг ҳар бир хонаси замонавий ўқув қурол-яроғлари, электрон доскалар билан жиҳозланган. Wi-Fi орқали интернет тармоғи мунтазам ишлаб турибди. Устоз-педагоглар ҳар бир ўқув машғулотининг янги, замонавий педагогик технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўтказадилар.

Давлатимиз раҳбарининг академик лицейга ташрифи мактаб ҳаётида энг муҳим, унутилмас воқеа бўлди. Бу улкан воқеа ҳар бир ўқувчи, муаллим ҳаётида ўчмас из қолдирди. Давлатимиз раҳбари учрашувда ҳарбий лицейларнинг номи ўзгарганлиги, унинг мазмунмоҳияти, таълим сифатига ҳам таъсир кўрсатиб, ўқувчилар Темур бобомизга муносиб бўлиши зарурлигини таъкидлади.

"Темурбеклар мактаби" ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам ҳавас қиладиган маскан бўлиши керак. Бунинг учун уларнинг мавқеи, савияси, билим бериш даражаси юқори бўлиши зарур, дея таъкидлаган эди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Темурбеклар мактабларини ривожлантириш бўйича янги тизимни белгилаб берди. Унга кўра, бу мактабдаги ёшлар чекланган миқдорда танлаб олинади, ўқувчилар замонавий ахборот технологиялари ҳамда иккита хорижий тилни пухта ўрганади, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб, ҳар томонлама баркамол, ёшлар орасида етакчи бўлиб шаклланади. Ушбу мактаб битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим, олий таълим муассасаларига ўқишга киришда Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида ўзлари тўплаган балларнинг 30 фоизи миқдоридаги, республиканинг бошқа олий таълим муассасаларига ўқишга киришда эса ўзлари тўплаган балларнинг 15 фоизи миқдоридаги қўшимча баллар қўшилишида имтиёз берилади.

Давлатимиз раҳбари "Темурбеклар мактаби"да яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди, ўқувчилар билан суҳбатлашди. "Темурбеклар мактаби"га автобус совға қилинди.

Академик лицей даргоҳига кириб боришингиз билан Мустақил давлатимизнинг бугунги сиёсати, халқимиз тарихига оид лавҳаларга кўзингиз тушади. Рўпарадаги бир-биридан кўркам, ихчам, ёп-ёруғ ётоқхоналар, ошхоналар, замонавий ўқув корпуслари ҳар қандай одамни тўлқинлантириб юборади. Бу ишларда "Темурбеклар мактаби" директори Зиёдулло Камоловнинг кўп йиллик иш тажрибаси, ташкилотчилик қобилияти ниҳоятда қўл келди.

Лицейда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Ўқитувчилар таркиби кўп йиллик педагогик тажрибага эга юқори малакали устоз-мураббийлар билан мустаҳкамланди. Анваржон Йўлдошев ана шундай тажрибали педагоглардан. У 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги томонидан "Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган. 25 йиллик педагогик фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирган. Абдухалил Мирзараҳимов 1998 йилда Фарғона Давлат университетини тамомлаган. У 2011 йилдан буён ушбу даргоҳда ўқувчиларга физика фанидан сабоқ бериб келади. Хусусан, устознинг ўқувчилари ҳар йили вилоят ва республика фан олимпиадаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб қайтишади.

2018-2019 ўқув йилида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада устоз тарбиялаган ўқувчи Ҳикматилла Қурбонов фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда Абдуҳалил Мирзараҳимовнинг ўқувчилари республикамизнинг етакчи олий ҳарбий билим юртларида таҳсил олишмоқда.

Тарих фани ўқитувчиси Аҳроржон Юнусов "Темур тузуклари" китоби асосида ўқув қўлланма яратди. Бу қўлланма "Темур тузуклари" китобини ҳар томонлама чуқур ўрганишда ўқувчиларга жуда қўл келмоқда.

Ҳарбий лицейда фаолият юритаётган Неъматжон Раҳматов, Абдуҳошим Қосимов, Нодира Турғунова, Шаҳноза Убайдуллаева каби бошқа устоз-педагоглар хусусида ҳам шундай илиқ гапларни айтишимиз мумкин. Ўрни келганда, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, академик лицейда ота-оналар иштирокида "Очиқ эшиклар куни" ўтказиш одат тусига кириб бораяпти. Бундан ташқари, ҳар йили бу ерда Наврўз байрами арафасида Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар таклиф этилади. Бундан кўзланган асосий мақсад — болаларга шодлик улашиб, лицей билан таништириб, улар онгига ватанпарварлик руҳини сингдиришдир. Академик лицей бўйлаб уюштирилган сафар, спортчи-ўқувчилар иштирокидаги кўргазмали чиқишлар болаларда бир олам таассурот қолдиради. Бир пиёла чой устидаги қизғин суҳбатдан сўнг Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига қимматбаҳо совғалар топширилади.

Бундай хайрли ишларнинг бошида катта ҳаётий ва амалий тажрибага эга инсон — Фарғона вилояти Кенгаши депутати Зиёдулло Камолов турибди. Республикамизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, Ватанимизнинг мудофаа қудратини юксалтиришдаги хизматлари учун Зиёдулло Камолов "Ўзбекистон Мустақиллигига 20 йил" кўкрак нишони, "Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига 100 йил" эсдалик кўкрак нишони ҳамда ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун Мудофаа вазирлиги фахрийси кўкрак нишони билан тақдирланган. Шунингдек, у вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

– Академик лицейимиз тез фурсат ичида ҳамма ҳавас қиладиган илм даргоҳига айланишида Фарғона вилояти ҳокими, сенатор Шуҳрат Ғаниевнинг хизматлари катта, – дейди биз билан суҳбатда **ўқув даргоҳи директори Зиёдулло Камолов.** – Унинг билим даргоҳимизга, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратаётгани, беминнат йўл-йўруқлари бизни ғоят қувонтиради.

Шарқий ҳарбий округ қўмондони, полковник Лутфулло Бузруков эса ўқув масканимизга тез-тез ташриф буюриб туради. Ҳар гал келганида ўқувчиларга ҳарбий ватанпарварлик мавзуида дарс ўтиб, лицей ўқувчиларига қимматбаҳо совғалар, китоблар тортиқ қилади.

– Лицейдаги ўқув тарбия жараёни хусусида директор шундай дейди:

– "Темурбеклар мактаби"да ўқув жараёни Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ҳамда давлат таълим стандартлари асосида ташкиллаштирилади. Лицейда ўқиш давлат ва рус тилларида олиб борилади. Ўқув даргоҳимизда тарбиявий ишлар миллий анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб ташкил этилади.

Мактабимизда 259 нафар ўқувчи таҳсил олади. Бу йил 148 нафар ўқувчи илм даргоҳини битириб, турли ўқув даргоҳларида ўқишни давом эттириш учун йўл олдилар. Шундан 5 нафари имтиёзли дипломни қўлга киритди.

Халқимиз орасидан етишиб чиққан Амур Темур, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Бобур каби буюк саркардалар бўлишни орзу қилган, ҳаётларини офицерлик касби билан, Ватан ҳимояси билан мустаҳкам боғлашни дилларига жо қилган ёшлар кўплаб топилади. Бу йўлда изланиб, ҳаракат қилаётган йигитларимиз ушбу академик лицей остоналаридан ўтиб, эзгу орзуларини рўёбга чиқармоқдалар.

Халқимиз орасидан етишиб чиққан Амур Темур, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Бобур каби буюк саркардалар бўлишни орзу қилган, ҳаётларини офицерлик касби билан, Ватан ҳимояси билан мустаҳкам боғлашни дилларига жо қилган ёшлар кўплаб топилади.

Мурод ТИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.



ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Озодликдан маҳрум этилди

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва аҳолига йўловчи ташиш сервис хизматини янада ошириш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида темир йўлларга яқин жойлашган аҳоли яшаш пунктларида ва ўқув муассасаларида «Диққат, темир йўл», "Огоҳлик", «Йўловчи» каби мавзуларда профилактик тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Шунга қарамасдан, транспорт қоидаларига амал қилмаслик оқибатида турли кўринишдаги бахтсиз ҳодисалар, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда.

Фуқаролар Г.Шоназаров ва А.Тўлқинов (исми-шарифи ўзгартирилган) эл қатори ҳалол меҳнат қилиб, тинчгина яшаса бўларди. Аммо улар ишламай, текин пул топмоқчи бўлишди. Улар ўзганинг мулкини босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш мақсадида, ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Оқ-қовоқ" темир йўл бекати ҳудудидаги пиёдалар ўтиш йўлагида жиноят содир этишди. Д.Муродов ва Р.Хожиев (исми-шарифи ўзгартирилган) ларга ҳужум қилиб, уларнинг бош ва тана қисмларига бир неча маротаба мушт билан зарба бериб, соғлиқ учун хавфли бўлган тан жароҳати етказиб, Д.Муродовнинг чўнтагидан пуллар ва бир дона уяли алоқа телефон аппаратини ҳамда Р.Хожиевнинг чўнтагидан ҳам катта миқдордаги пул ва бир дона уяли алоқа телефон аппаратини олиб, воқеа жойидан яширинган. Тезкор суриштирув ишлари давомида Г.Шоназаров ва А.Тўлқиновларнинг жиноий ишлари фош этилган.

Жорий йилнинг январь ойида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қибрай туман суди очиқ суд мажлисида судланувчилар – Г.Шоназаров ва А.Тўлқинов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбли деб топилиб, уларга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил озодликдан махрум қилиш жазоси тайинланди.

Холида САЙДАЗОВА,
Тошкент транспорт прокурори катта ёрдамчиси.
Азиз ЕЛБУСИНОВ,
Тошкент минтақасидаги темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси, Чирчиқ бекати бўлинмаси бошлиғи, майор.

ЭЪЛОН

«В.Успенский номидаги РИММ 2020-2021 ўқув йилининг 1-синфига ўқувчилар қабулини эълон қилади. Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан – 11 июлигача қабул қилинади.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Махтумқули кўчаси, 71-уй.

Телеграм канал:@Uspenkaqabul2020

Электрон почта: Uspenkaqabul2020@mail.ru

Мурожаат учун телефон: (71) 233-15-87.

«РСМШ им.В.Успенского объявляет набор в 1 класс на 2020-2021 учебный год. Приём документов с 20 июня до 11 июля т.г.

Адрес: 100047, г.Ташкент М.Улугбекский район, улица Махтумкули, дом-71. Телеграм канал: @Uspenkaqabul2020. Электронная почта: Uspenkaqabul2020@mail.ru

Обращаться по телефону: (71) 233-15-87.

Токи ҳаёт, тириклик мавжуд экан, инсоннинг фитратидаги мурувват-шафқат, меҳр-оқибат ҳам абадийдир!

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ОҒИР СИНОВЛАР ДАВРИ

Биринчи мақола: Синовли дунё ёхуд меҳр-оқибатимизга вирус тушмасин!

Дебоча

Йигирма биринчи асрнинг йигирманчи йили бутун одамзодни яна бир маротаба огоҳликка чақирмоқда. Коронавирус пандемияси балоси инсониятни ғафлат, жаҳолат уйқусидан уйғотди, сергак торттирди. Қалб кўзини теранроқ очишга, ўз маънавий ҳолатига теранроқ назар солишга, пировардида, қилинган ва қилинаётган ҳаракатлардан тўғри қарор чиқаришга ундамоқда.

Дарҳақиқат, тириклик дафтарининг ҳар саҳифаси икки бетдан иборат. Унда – эзгулик ва ёвузлик, ҳақиқат ва разолат, маърифат ва жаҳолат, жўшқинлик ва тушкунлик, фазилат ва ноқислик, дўстлик ва душманлик, ёруғлик ва қоронғулик, самимият ва мунофиқлик, холислик ва риёкорлик сингари кундалик турмушнинг ташвишу синовлари, бахту қувончлари битилган. Улар ўртасидаги фарқни тўғри белгилаш учун киши бедор қалб, кўрқмас юрак, мустаҳкам эътиқод, ботиний эзгу туйғуларга суянмоғи лозим бўлади. Зеро, муқаддас китобларда таъкидланганидек, ҳаётнинг ҳар бир ҳодисасида ақл эгалари учун неча бир ҳикмату ёрқин аломатлар бордир.

Дастлабки ва муҳим хулосалар

Бирлашмаган оила тўзғийди
Ўзбек халқ мақоли

Бутун инсоният каби Ўзбекистон халқи ҳам сўнгги тўрт ой ичида коронавирус пандемиясидан ўзига тегишли хулосалар чиқарди ва чиқаришда давом этмоқда.

Авваламбор, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, раҳбарият ўз вақтида халқимизни бу бало-қазодан огоҳ этиб, тегишли чораларни қабул қилди. Халқимиз эса ҳамжиҳатлик, аҳиллик, бағрикенглик, саховатпешалик, шукроналик ва сабр-қаноат каби юксак қадриятлари билан курашди. Бу офатга қарши фазилатлар карантин чекловлари бошланган дақиқадан бошлаб то шу бугунгача бўй-басти билан намоён бўлмоқда.

Иккинчидан, берилган ҳаётни ақл ва зеҳну фаросат билан яшаш зарурлиги қайта ёдимизга тушди. Айрим кимсаларнинг ношукурлиги, исроф-гарчилиги, қайфу сафо ва маишатга муккасидан кетганлиги моддий бойлик орқасидан қувиб, ўзларини муаммолар гирдобига улоқтираётганида аён бўлди. Биргина тўй-ҳашамлардаги ортиқча дабдаба, керагидан ортиқ сарф-харажатлар, хўжакўрсинга қилинаётган чиқимларни кўз олдимизга келтирайлик. Қанчадан-қанча исроф-гарчиликлар! Қанчадан-қанча бемаънигарчиликлар!

Учинчидан, ўзаро меҳр-оқибатнинг қадрига етиш зарурлигини англаб етдик. Ҳар ҳафта чойхоналарда "курсдошлар гапи", "божалар гапи", "қариндошлар гапи" каби турли улфатбозликлар, гурунглар билан машғул бўлиб, ўз ота-онамиз, яқин жигарларимиз, етим-есирлар ҳолидан хабар олмай қўйганлигимиз билиниб қолди. Ҳозирда ота-онани бориб кўриш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, айниқса, улар бошқа ҳудудда, шаҳар ёки туманда яшаётган бўлсалар, катта бир муаммога айланиб қолаётгани сир эмас.

Тўртинчидан, оила аъзолари ўртасида бевосита мулоқотнинг лозимлигига эътибор қаратдик. Кўпгина юртдошларимиз ўз ишига муккасидан кетиб, фарзандлари, оила аъзолари билан дастурхон атрофида суҳбатлашиш у ёқда турсин, ҳатто ҳафталаб улар билан кўриша олмас эдилар. Ваҳоланки, ҳар бир фарзанд қалбига яқин ҳаммаслак дўст, сирдошни, авваламбор ўз ота-онаси, опа-ака, ука-сингилларидан излайди. Бу меҳр, самимиятни хонадонида тополмаганидан сўнггина дилбанд "кўча"га чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Бешинчидан, тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилиш кўзланган натижага эришишнинг асосий омили эканлигини исботлади. Чиндан ҳам, баъзиларимиз хатти-ҳаракатларимизга ҳаддан зиёд эътиборсиз, белгиланган тартиб-қоидаларга лоқайд бўлиб кетган эканмиз. Биргина, карантин чекловларининг дастлабки ҳафтаси, ойларида ўн минглаб, юз минглаб ҳайдовчи юртдошларимиз томонидан содир этилган йўл қоидасини бузишлар, шунингдек, бошқа тартиб-талабларга амал қилмаслик ҳолатлари бунга мисол бўла олади.

Олтинчидан, умр, вақтдан оқилона фойдаланиш шартлигини тушуниб етдик. Ҳақиқатан ҳам, кўпчилигимизда вақтдан унумли фойдаланмаслик, соатлаб ҳуда-беҳуда сўзлар билан бир-биримизни чалғитиш, бўлар-бўлмасга меҳмоннавозликлар уюштириб, вақтни беҳудага ўтказиш, кайфу сафо, маишатбозликларга берилиб кетишлар, умуман, умрни зое этиш ҳолатлари кундалик одатга айланиб бораётган эди.

Еттинчидан, биз атроф-муҳитни ифлослантириб, экологиямизни қанчалик оғир аҳволга солиб қўйганлигимиз ҳам билинди. Биргина карантин чекловлари даврида бутун дунёдаги ифлосланиш даражаси пасайиб, биз ўн йил, эллик йил, юз йиллар давомида қилинган чора-тадбирлар бермаган натижага, бор-йўғи, уч ойда эришилибди.

Саховат ва кўмак ёхуд халқимиз қандай тобланди?

Халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятлари, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби гўзал фазилатлари инобатга олиниб, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилди. Бу ташаббус фаол қўллаб-қувватланди.

Халқнинг ўзи, тадбиркору бизнес вакиллари, қолаверса, қалбида заррача бўлса-да меҳр учқуни порлаган юртдошларимиз борки, виждон амрига қулоқ солиб, ўз саховати ва мурувватини ёрдамга муҳтожлардан аямадилар. Биргина таниқли санъаткор Сардор Раҳимхон ва унинг эзгу ниятли сафдошлари томонидан қилинган олижанобликларни қаранг. Уларнинг кўплаб кам таъминланган хонадонларга бориб, қалби синиқ инсонлар кўнглини осмон қадар кўтаришлари ғоят таҳсинга лойиқ. Айниқса, хонадони харобага айланиб қолган, боқувчиси бўлмаган навбатдаги муштипар аёлга янги уйнинг калити санъаткоримиз томонидан холисона топширилганида, ўша ожизанинг кўз ёшларни кўриб, қалбларимиз ларза келди-ку, ахир!

Синовли кунларда Сирдарё вилоятининг "Сардоба" сув омборида юз берган фавқулодда ҳолатдан уйсиз қолган оилаларни етти ёт бегоналар ўз бағриларига олди... Бундай юксак одамийлик маънавий илдизларимиз нечоғли мустаҳкам ва барқарор эканининг исботидир. Энг муҳими, бундай савобли ишлар ҳозир ҳам минг-минглаб юртдошларимиз томонидан ҳар куни амалга оширилиб, ёш авлодга ибрат намунаси бўлиб келмоқда..

Дарҳақиқат, одамзоднинг яратилиши Буюк меҳрнинг ҳосиласи. Буюк муҳаббатнинг меваси. Демак, токи ҳаёт, тириклик мавжуд экан, инсоннинг фитратидаги мурувват-шафқат, меҳр-оқибат ҳам абадийдир!

Бинобарин, замондош шоиримиз Саъдулла Ҳаким таъкидлаганидек,

Зулмат қочганидай кун ёруғидан,
Элдан дард кетгуси бирлашса улус.
Асрасин ёмонлар ёмонлигидан,
Меҳру оқибатга тушмасин вирус!

Обиддин МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА

"Агробанк" томонидан мижозларга тақдим этилаётган тезкор, қулай ва масофавий хизматлар

Бугунги кунда "Агробанк" акциядорлик тижорат банки томонидан аҳоли ва банк мижозларини, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжаликларини тезкор, ишончли, инновацион банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, пандемия шароитида мижозларнинг банкка келиш имконияти чекланганлиги ҳамда қарздорларнинг кредит тўловлари билан боғлиқ рискни юмшатиш мақсадида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг кредит тўловларини қайтарилишида уларга имтиёзли давр бериш мақсадида жисмоний шахсларга 2020 йилнинг 1 августгача, юридик шахслар учун эса 1 октябрга қадар кредит таътиллари жорий қилинган. Бундан ташқари, апрель, май, июнь ҳамда июль ойларида муддати тугайдиган миллий ва хорижий валютадаги омонатлар автоматик тарзда 1 августга қадар узайтирилди. Бунда омонат фоизлари ўзгаришсиз қолади ва карантин муддати тугагандан сўнг барча ойларга ҳисобланган фоизларни бир вақтнинг ўзида ечиб олиш имконияти мавжуд.

Яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун банкларароо пул ўтказмаларни онлайн амалга ошириш имконини берувчи "ANOR" тезкор тўловлар тизими ишга туширилди. Тўловларни кечаю кундуз ва дам олиш кунларисиз амалга ошириш мумкин, бу ҳам ўз навбатида мижозларнинг банк биносига ортиқча келишининг олдини олади.

Пандемия даврида масофавий банк хизматлари кўрсатилаётгани, жумладан, банкнинг юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан "Agrobankmobile" мобиль иловасидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу хизмат ҳам белул қилиб белгиланди.

Бугунги кунда нақд пул тушумига эга бўлган банкнинг юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан терминал олиш учун масофадан ариза бериш хизмати "Online ariza" хизмати ишга туширилди ҳамда халқаро пул ўтказмаларини қабул қилувчи ҳар бир мижозга банк пластик картаси белул очиб берилмоқда. Қолаверса, пластик картанинг амал қилиш муддати тугаса ёки йўқотилганда, янги картани мижознинг уйига етказиб бериш хизматлари ҳам жорий этилди.

Яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, карантин даврида мобиль илова орқали "Uzcard" пластик картадан "Humo" пластик карталарига ва аксинча "Humo" пластик картадан ва "Uzcard" пластик карталарига маблағлар ўтказиш имконияти яратилди, комиссия миқдори ўтказма қийматидан 1 фоиздан 0,5 фоизга туширилди.

Интернет тармоғи ҳамда мобиль телефон орқали банк хизматларидан фойдаланиш, айниқса, бугунги карантин шароитида аҳолининг ушбу хизматларга бўлган талаби, қизиқиши ва ишончи ортиб бораётгани сабабли, мазкур интерактив хизматларни янада ривожлантириб бориш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан, бугунги кунда республикада ягона бўлиб келаётган юридик шахслар учун онлайн кредит ҳам жорий этилган. Бунда мижоз банкка мурожаат қилмасдан, "Agrobankmobile" мобиль иловаси ва "Internet banking" тизими орқали атиги бир неча дақиқаларда кредитни расмийлаштириб, ўз ҳисоб рақамига ўтказиши мумкин.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, банкка мурожаат қилмасдан турib, мобиль илова орқали халқаро пул ўтказмалари амалга ошириш ҳам жорий этилган. Ўзбекистондан "Uzcard" ва "Humo" сўм пластик карталаридан Россия Федерациясининг Сбербанк пластик карталарига ва аксинча, Сбербанкнинг "Sberbank Online" мобиль иловаси орқали Агробанк "Uzcard" ва "Humo" сўм пластик карталарига тўғридан-тўғри маблағ ўтказиш мумкин. Бугунги кунга келиб ушбу хизматдан 250 мингдан ортиқ мижоз фойдаланиб, келиб тушган маблағлар ҳажми эса 115 миллиард сўмга етди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги карантин шароитида "Агробанк" мижозларига тезкор, ишончли, инновацион ва энг асосийси, масофавий банк хизматлари турларини кенгайтиришга катта эътибор бериб келмоқда.

Ўз мухбиримиз.



Биласизми?

Ўзбекистон
яна бир халқаро ҳужжатга қўшилди

"Ўзбекистон Республикасининг Бўғувчи, заҳарли ёки бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг урушда қўлланилишини тақиқлаш тўғрисидаги Протоколга (Женева, 1925 йил 17 июнь) қўшилиши ҳақида"ги Қонун Президент томонидан имзоланди (ЎРҚ–623-сон, 26.06.2020 й.).

Ушбу Протокол 1972 йилнинг 10 апрель куни Москва, Лондон ва Вашингтон шаҳарларида имзоланган бактериологик (биологик) ва токсик қуроллар захирасини йиғиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция талабларини мустаҳкамловчи ҳамда тўлдирувчи ҳужжат ҳисобланади.

Бугунги кунда мазкур Женева протоколига дунёнинг 142 та давлати, МДҲ мамлакатларидан Арманистон, Молдавия, Россия, Тожикистон, Украина ҳамда Қирғизистон қўшилган.

"Фольксваген"
енгил тижорат автомобилларининг замонавий моделлари ишлаб чиқарилади

"Ўзбекистон Республикасида "Фольксваген" енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори (ПҚ–4757-сон, 25.06.2020 й.) қабул қилинди.

Қарор билан "Жиззах автомобиль заводи МЧЖ негизида "Ўзбекистон енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш" инвестиция лойиҳасини амалга оширишни давом эттириш бўйича "Фольксваген" компанияси томонидан таклиф этилаётган концепция маъқулланди.

Концепцияда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилган:

— Биринчи босқичда 2020-2021 йилларда:

— бозорни ўрганиш ҳамда маркетинг таҳлилини ўтказиш мақсадида "Фольксваген" ва "Шкода" маркаларидаги тайёр автомобилларни етказиб беришни ташкил қилиш;

— Компаниянинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда "Жиззах автомобиль заводи" МЧЖ ходимларини йирик узелли автомобилларни йиғиш бўйича ўқитишни ташкил этиш;

— "Фольксваген Кедди" моделини йирик узелли йиғишни ташкил этиш мақсадида бутловчи қисмларни етказиб бериш;

— мамлакатнинг барча ҳудудларида дилерлик тармоғи ва сервис хизматларини кўрсатиш станцияларини ташкил этиш.

— Иккинчи босқичда 2022 йилдан бошлаб енгил тижорат автомобилларининг замонавий моделларини ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўзлаштириш.

2020 йил июль ойидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "Евро-5" стандарти талабларига жавоб берадиган юқори сифатли дизель ёқилғиси ва автобензинга эга камида битта автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси бўлиши таъминланади.

Шахслар
қандай ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин?



Ота-она (улардан бири) қуйидаги ҳолларда:

— ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа;

— узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

— ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

— муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

— ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги "Huquqiy axborot" канали.

Ёшлар муаммосининг тўғри, адолатли ва қонун асосида ҳал этилишидан нафақат ёшлар, балки давлат ва жамият ҳам манфаат кўриши табиий.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЁШЛАР БИЛАН ҚУРАМИЗ

Ёшлар сиёсати

Ёшлар муаммоси ҳар қандай давлат ва жамият учун барча замонларда ҳам бирдек долзарб бўлиб келган. Мазкур муаммонинг ечими ёшлар сиёсатини тўғри юритишга боғлиқлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ёшлар сиёсати – бу давлатнинг демократик тараққиёт йўлида ривожланишида ёшларни муҳим стратегик куч сифатида тан олиши ҳамда ўзининг ёшларга нисбатан бошқарув ва ижтимоий функцияларини демократик сиёсий тизим, халқаро ёхуд миллий ҳуқуқ нормалари талаби даражасида тўлиқ бажаришидир.

Мамлакатимизда ҳам кейинги уч йилда ёшлар сиёсати ўзининг сифат ва самара босқичига кирди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ имзолаган қонун ҳам айнан "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги норматив-ҳуқуқий ҳужжат эканлиги масаланинг нақадар муҳимлигини англатади. Хусусан, Президентимиз Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида: «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда», деб ёшлар муаммосининг нақадар залворли эканлигини таъкидлайди.

Зотан, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи ёшлар эканлигидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида Ўзбекистон раҳбари «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция»ни ишлаб чиқиш ташаббусини билдиргани ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг нафақат мамлакатимиз миқёсида балки бутун дунё учун глобал аҳамиятга эгалигини англатади.

Шу боис, мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини ўзида мужассам этган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш» ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ислоҳотлар: натижа ва самаралар

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг икки жиҳатига эътибор қаратайлик.

Дастлабки чуқур ўйланмай таваккалчилик ва ёлғонга асосланган тизим яъни, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимига босқичма-босқич қонуний барҳам берилди. Мазкур таълим тизими ўқувчиларнинг ёш хусусияти, руҳияти, меҳнат бозори талаблари ва таълим тизимида уларнинг ижтимоийлашуви учун тегишли ижтимоий муҳитни яратмасдан ташкил этилганди. Умумтаълим мактабининг 9-синфини битирган ўспирин мажбурий таълим дея бутунлай нотаниш бошқа муҳит, айниқса, уйидан узоқ, бориш-келиш ноқулай, ортиқча харажат талаб қиладиган, шаклланиб улгурмаган тизим ихтиёрига юборилар эди.

Табиийки, ўқувчилар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари уйидан узоқлиги, ота-оналар уларни (хусусан, қишлоқ жойларда) кунлик сарф-харажатларини қоплай олмаслиги боис дарсга бормай қўйишарди. Натижада давомат масаласи доим муаммо туғдирарди. Демак, аксарият академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари фақат «битирувчилар» чиқариш билан машғул бўлганди, холос. Чунки таълимда сифат бўлмагач, самара ҳам бўлмаслиги табиий.

Ёшлар сиёсати бўйича яна бир муҳим ислоҳот бу мамлакатимизда ўтган давр мобайнида йўқотилиш даражасига келиб қолган мактабгача таълим тизимининг қайта тикланиб, ривожлантирилиши бўлди. Шахснинг камолотида муҳим ўрин тутувчи бу тизим ўз аҳамиятига кўра ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий бўғинига айлантирилди. Халқаро тажриба, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлар асосида мазкур тизимнинг фундаментига асос солинди.

Инсон ўз ҳаётида асосий маълумотларни айнан 5-7 ёшида олиши илмий асосланган. Шу боис мактабгача таълим тизими шахснинг ижтимоийлашувида муҳим ўрин тутиши эътиборга олиниб, янги ва сифатли, алоҳида иқтисқолли тизим сифатида шаклланмоқда. Тизимга асос солингани, аввало, муносиб баркамол авлод вакилларини тарбиялашга хизмат қилса, таълим тизимида соҳа учун олий ва ўрта маълумотли мутахассислар етиштириш имкониятини ҳам яратди ҳамда ота-оналар учун фарзандларини болалар боғчаларига ишонч билан топшириб, ўзларининг иши билан машғул бўлиш имконияти яратилди. Юртимизда жадал шаклланиб бораётган мактабгача таълим тизими давлат ва жамият учун ҳам манфаатли жиҳатларга эга, энг асосийси, эркин фикр, мустақил фуқаролик позициясига эга фаол фуқароларни тарбиялаш айнан шу тизимдан бошланиши ҳам бу борадаги ислоҳотнинг нақадар зарурлигини англатади.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсати билан боғлиқ яна бир муҳим ислоҳотга қўл урилди. Ўзбекистонда 30 июнь санаси "Ёшлар куни" деб эълон қилинди. Ёшлар ташкилотининг номи, фаолият йўналиши, вазифалари аниқлаштирилди. Ёшлар ташкилоти фаолларига яратилган турли қонуний имтиёз, фаол ёшларни рағбатлантириш механизми, нафақат мамлакат ичкарисидаги балки хорижий давлатларга ишлашга ва ўқишга кетган ўзбекистонлик ёшлар ҳолидан хабар олиш ёки уларни ватанимизга қайтариш лойиҳасининг амалга оширилиши кўпчилик ота-оналарнинг кўнглидаги иш бўлди.

Ёшларнинг фаоллигини ошириш

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга жамоат ва давлат ишларига кенг жалб этиш, борасидаги ислоҳотларга асос солингани ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳар ҳокимликларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида белгиланган тартибда тайинланиш механизми жорий этилди.

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёшлар орасидан юқори малакали бошқарув кадрларини танлаб олиш ва тайёрлаш, уларнинг захирасини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга имкон бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва "Буюк келажак" халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг 3 йилда бир марта истиқболли ёш бошқарув кадрларни танлаб олиш бўйича "Тараққиёт" республика танловини ўтказишнинг ҳуқуқий тартиби белгиланди. Мазкур танловда камида уч йил иш тажрибасига эга, 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашиши мумкин.

Ёшлар сиёсатидаги муаммолар

Бугун республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёни камчилик ва нуқсонлардан холи дейишга ҳали эрта. Чунки айрим раҳбарларнинг ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун ва моҳиятини тўғри тушунмаслиги ёки ўзини тушунмасликка олиши ёхуд масъулиятсизлиги каби ҳолатларнинг мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ёшлар томонидан турли жиноятлар содир этилаётгани, миллий қадриятларимизга номуносиб ишлар қилинаётгани ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Ёшлар муаммосининг энг нозик томони, ёшларда ҳаётни севиш билан бирга ундан тез бегоналашиш, ишчанлик ва серғайратлилик билан бирга бекорчилик ва ҳафсаласизликка мойиллик, ақл ва тафаккур билан бирга шошқалоқлик ва сержаҳллик сингари ўзига хос салбий хусусиятларнинг мавжудлиги ҳамда уларга эътиборсизликнинг натижаси аксарият ҳолларда фожиали оқибатларга олиб келишини назардан қочирмаслик керак.

Хорижий тажриба

Ҳеч қайси давлат бошқалар билан ҳамкорлик қилмасдан фақат ўзи ривожлана олмаганидек, мазкур қоидани ёшлар сиёсатини амалга оширишга нисбатан ҳам татбиқ этиш мантиқан тўғри бўлади. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас.

АҚШда ёшлар тарбияси таълим тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Ёшлар тарбиясида асосий мақсад ёшларни жамоат ишларига жалб этиш (Youth Service) ва мавжуд амалиёт орқали фаолликка ўргатиш (Service Learning)га қаратилган. Ушбу мамлакатда ёшлар сиёсати лойиҳалари ва дастурларини амалга оширишда қатнашувчи бизнес секторлар, жумладан, шахсий хайрия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминловчи амалиёт механизми жорий этилган.

АҚШда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати концепциясида ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёнида давлат тузулмаларининг минимал иштирокига асосланади. Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш шахсий хайрия ташкилотларининг асосий иши саналади. Давлат кўмагига фақат ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламигина даъвогарлик қилиши мумкин, маблағлар қатъий белгиланган тартиб асосида кам таъминланганларга берилади.

Францияда ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш билан Ёшлар, спорт ва жамоат ташкилотлари вазирлиги шуғулланади. Бу вазирлик жойларда ёшлар сиёсатини амалга оширишга масъул ҳудудий бошқарма ва департаментларига эга. Ёшлар сиёсатини амалга ошириш бўйича давлат ҳокимияти ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим саналади. Мазкур ҳамкорликнинг асосий мақсади – ишсиз ёшларнинг фоизини амалда камайтиришдан иборат.

Швецияда ёшлар сиёсати Маданият вазирлиги томонидан амалга оширилади. Мамлакат Парламентида ёшлар давлат кенгаши ҳамда унинг маҳаллий муниципиал бўлинмалари фаолият юритади. Швецияда ёшларни иш билан таъминлаш ва меҳнатга махсус тайёрлаш масаласи маҳаллий меҳнат бозори ва бизнеснинг кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб ҳал этилади.

Финландияда ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Таълим вазирлигига юклатилган. Ёшлар билан ишлашда асосан мактаб жамоатчилиги билан ҳамкорликка асосланади. Ёшларнинг фуқаролик ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида Финландия Парламентида мунтазам тарзда икки йилда бир марта (1998 йилдан буён) "Ёшлар парламенти" йиғилиб келади. "Ёшлар парламенти" Мактаб клублари маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Канада мамлакати ёшлар сиёсатини амалга оширишда энг барқарор давлатлардан бири ҳисобланар экан. Бунинг сабаби ушбу давлатдаги Ватерло университети олимлари томонидан 1978-2012 йилларда ёшлар бўйича турли авлод вакиллари ўртасида илмий эксперемент ва тадқиқотлар мунтазам ўтказилиб, илмий тадқиқотлар ривожлангани билан изоҳланар экан. Илмий тадқиқотлар ўз самрасини бериб, шунинг учун Канадада ёшлар сиёсати ижтимоий, ҳуқуқий ва сиёсий фаоллиги анча юқори даражага кўтарилган.

Хулоса

Ёшларга оид давлат сиёсатига фақат давлат органлари масъул, деган нотўғри фикрдан воз кечиш даври аллақачон келди. Давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёшлар сиёсатига давлат органлари билан бирга нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари бирдек масъуллигини англашимиз лозим. Ёшлар муаммосининг тўғри, адолатли ва қонун асосида ҳал этилишидан нафақат ёшлар, балки давлат ва жамият ҳам манфаат кўриши табиий.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг самарали бўлиши миллий менталитет ва қадриятларимизга суяниб олиб борилишига боғлиқлиги ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Улардаги ғайрат сўнмаслиги йўқолмаслиги учун давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтларида сўз ва иш бирлиги таъминланиши зарур.

Ёшлар янги куч, янги ғоя ва янги услуб соҳибларидир. Шу боис, улар камолоти ҳақида қайғуриш давлат ва жамият бошқарувида энг асосий вазифалардан ҳисобланади.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ
Тошкент давлат юридик университети Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси профессори вазифасини бажарувчи, юридик фанлар доктори.

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

МАНБА: ПҚ-4754-сон, 17.06.2020 й

@huquqiyaxborot

- 26 та профессионал медиатор
- 798 та ҳакамлик судьялари фаолият юритмоқда

2020 йил 1 августдан бошлаб

Эксперимент тариқасида қуйидагилар ҳузурида жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича **апелляция кенгашлари ташкил этилади**:

- Давлат божхона қўмитаси
- Давергеодезкадастр
- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
- Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари

Қуйидагилар нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин:

Низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шуғулланувчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган **Медиация маркази**

Профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган **Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази**

Медиация маркази ва Низоларни муқобил усулда ҳал этиш марказининг асосий вазифалари:

- медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш
- медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритиш
- медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш

← Медиаторларни тайёрлаш **72 соатдан** кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилади

- медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувига қўмаклашиш

Марказлар

- шартнома асосида малакали педагогларни, миллий ва хорижий медиатор, ҳакамлик судьялари ва арбитрларни ва бошқа **малакали мутахассисларни жалб этади**
- етакчи хорижий медиация ва арбитраж марказлари билан **ҳамкорликни йўлга қўяди**
- медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж фаолияти юзасидан адлия органларига **ҳисоботлар топширишдан озод этилади**
- **беш нафар** ходимга эга бўлади

Тошкент давлат юридик университети ва Юристлар малакасини ошириш маркази муассислигида **Тошкент медиация маркази** ташкил этилади

ХОРИЖДА:

- **Буюк Британияда** Лондон халқаро арбитраж суди (LCIA)
- **Сингапурда** халқаро арбитраж маркази (SIAC) ва Халқаро медиация маркази (SIMC) нотижорат ташкилоти сифатида фаолият юритмоқда

2020 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ

Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида **давлат хизматлари марказлари биноларида** низолашувчи фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун алоҳида хоналар ажратилади

2021 ЙИЛ 1 АПРЕЛГА ҚАДАР

Экспериментнинг ижобий натижалари асосида ушбу амалиёт барча давлат хизматлари марказлари биноларида татбиқ этилади.

ИИВ ХАБАРЛАРИ

Ноқонуний олиб кетилаётган юклар аниқланди

Жиззах вилояти ҳудудидан ўтувчи М-39 автомобиль йўлида жойлашган "Сангзор-15" ЙПХ карантин постида хизмат олиб бораётган инспекторлар А.Суванов, Ж.Ибрагимов ва Т.Абдувоҳобовлар томонидан шубҳа асосида "Исузу" русумли юк ташувчи транспорт воситалари тўхтатилади. Ҳайдовчи Т.А. ва Т.С.лардан тегишли ҳужжатларни тақдим этишлари ва юкхоналар эшигини очиш сўралади.

Транспорт воситаларининг юкхоналари кўздан кечирилганда Т.А. бошқарувидаги автомашинада 300 қоп, Т.С. бошқарувидаги автомашинада эса 600 қоп жами 30 тонна "Карбамид-1" минерал ўғити ҳеч қандай ҳужжатларсиз Самарқанд вилоятига олиб кетилаётгани аниқланади. Ушбу ҳолат юзасидан Ғаллаорол туман ички ишлар бўлими томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Маккажўхори поялари орасида

парваришланаётган "Каннабис"лар бўй чўзиб, 65 ёшли отахоннинг бошини эгди

Навбаҳор туман ИИБ тезкор ходимлари томонидан ҳудудда ўтказилаётган "Қорадори – 2020" тадбирининг 1-босқичи давомида 1955 йилда Навбаҳор туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, нафақахўр, айни пайтда тумандаги "Қоровултепа" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Н.В.нинг томорқаси холислар иштирокида кўздан кечирилди. Унда Н.В.нинг томорқасида анор дарахти ва маккажўхори поялари орасида 2 туп "Каннабис" гиёҳванд ўсимлиги парваришлаб келаётгани аниқланди ва холислар иштирокида гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинди.

Ҳозирда, мазкур ҳолат юзасидан Навбаҳор туман ИИБ ходимлари томонидан дастлабки терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ака-ука

ўртасида содир бўлган жанжал оқибати

2020 йил 26 июнь куни соат 20:00 ларда, Янгиқўрғон туманида яшовчи, 1991 йилда туғилган фуқаро яшаш хонадонида бирга яшовчи, 1984 йилда туғилган акаси билан ўзаро жанжаллашиб, қўлидаги ошхона пичоғи билан акасига тан жароҳати етказган. Натижада, акаси шифохонага ётқизилган.

Ушбу ҳолат бўйича туман ИИБ ТБ томонидан 2020 йил 27 июнь куни Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Инсон ўлимига сабаб бўлган

йўл транспорт ҳодисаси

Қумқўрғон туманида 2020 йилнинг 27 июнь куни кечга яқин туманнинг "Ачамойли" маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 4Р-101 автомобиль йўлининг 16 километрида Термиз шаҳри "Дўстлик" маҳалласида яшовчи Б.Ш. бошқарувидаги "Матиз" русумли автоулов, қарама-қарши йўналишга чиқиб, Қумқўрғон тумани "Арслонбойли" маҳалласида яшовчи Ж.Ф. бошқарувидаги "ВАЗ-2101" русумли автоулов билан тўқнашган.

Натижада "Матиз" русумли автоулов ҳайдовчисининг вояга етмаган фарзанди ва икки йўловчи оғир тан жароҳати билан касалхонада вафот этган.

Ҳолат юзасидан "Жиноят кодекси"нинг 266-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Нилуфар ТЎРАХОНОВА,
ИИВ Ахборот хизмати ходими, лейтенант.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Финансовая отчетность АО «KAPITAL SUG'URTA» согласно МСФО по состоянию на 31 декабря 2019 года проведена аудиторской организацией ООО «TTT AUDIT» (по итогам 2019 года)

Консолидированный отчет о финансовом положении по состоянию на 31 декабря 2019 года.

тыс. сум.

Показатели	31.12.2018г.	31.12.2019г.
АКТИВЫ		
Оборотные активы		
Денежные средства и их эквиваленты	4 133 432	13 510 012
Дебиторская задолженность	3 704 546	8 224 190
Запасы	522 908	558 676
Краткосрочные инвестиции	28 967 034	38 458 402
Итоги оборотных активов	37 327 920	60 751 280
Внеоборотные активы		
Основные средства	32 028 946	39 335 331
Инвестиции в прочие предприятия	6 939 744	7 033 179
Долгосрочная дебиторская задолженность	5 097 598	48 607
Отложенные налоговые активы		
Итого внеоборотные активы	44 066 288	46 417 117
ИТОГО АКТИВЫ	81 394 208	107 168 397
Обязательства		
Долгосрочные обязательства		
Отложенные налоговые активы		299 588
Долгосрочные оценочные обязательства		1 000 000
Итого долгосрочных обязательств	1 299 588	0
Краткосрочные обязательств		
Кредиторская задолженность	3 819 149	20 178 791
Резерв по вознаграждениям работникам	196 633	523 696
Резерв по просроченным Д-Т		401 384
Текущие налоговые обязательства	541 970	
Итого краткосрочные обязательства	4 557 752	21 103 871
Собственные средства		
Уставной капитал	14 000 000	15 000 000
Добавленный капитал	1 873 486	1 873 486
Резервы по переоценки ОС	2 890 003	
Нераспределенная прибыль	9 348 623	518 565
Нераспределенная прибыль по МСФО (корректировка) отч. периода	(2 489 464)	
Накопленная (Прибыль) / убыток		7 093 362
Итого собственные средства	28 112 112	21 995 948
Страховые резервы	47 424 756	64 068 578
Итого обязательства и собственные средства:	**81 394 208**	**107 168 397**

Консолидированный отчет о прибылях и убытках и о совокупном доходе на 31 декабря 2019 года.

тыс. сум.

Наименование	31.12.2018г.	31.12.2019г.
Доход от оказания страховых услуг, в том числе	**36 038 249**	**34 945 595**
Страховые премии по прямому страхованию и сострахованию	55 462 356	46 540 640
Страховые премии по договорам, переданным в перестрахование	(1 406 362)	(2 440 999)
Страховые премии по договорам, принятым в перестрахование	736 550	26 124
Изменение резервов	(18 754 295)	(13 673 515)
Результат изменения резерва заявленных, но не урегулированных убытков, скорректированный на долю перестраховщиков в резерве заявленных, но не урегулированных убытков		(888 768)
Результат изменения резерва произошеших, но не заявленных убытков, скорректированный на долю перестраховщиков в резерве произошедших, но не заявленных убытков		836 880
Результат изменения других технических резервов, скорректированный на долю перестраховщиков в соответствующих резервах		1 678 925
Доход от оказания услуг посредника		24 870
Доход по возмещениям доли убытков по перестрахованию		1 820 652
Доходы по комиссионным вознаграждениям, тентьемам и сборам по перестрахованию	751 073	747 128
Доходы от оказания услуг ДП		273 658
Доход от оказания страховых услуг	36 789 321	34 945 595
Себестоимость оказания страховых услуг	(23 122 227)	25 568 177
Валовая прибыль от оказания страховых услуг	13 667 095	9 377 419
Прочие доходы от основной деятельности	1 733 158	2 091 074
Доходы в виде дивидендов	252 630	265 472
Доходы от валютных курсовых разниц	393 524	1 343 301
Доходы в виде процентов		5 041 058
Прочие доходы	4 025 998	8 746 279
Коммерческие расходы	(30 564)	(247 569)
Административные расходы	(10 266 537)	11 162 778
Прочие операционные расходы	(7 690 992)	4 813 435
Прочие расходы	(17 988 092)	(16 223 782)
Прибыль от операционной деятельности	(294 999)	1 899 915
Расходы по процентам		(1 102 407)
Убытки от валют. курсовых разниц	(58 696)	(220 395)
Корректировка по трансформации	(636 948)	(2 489 464)
Прибыль/Убыток до налогообложения	(990 642)	(1 912 351)
Налог на прибыль	(264 444)	(58 548)
ОНО	(299 588)	
Прочий совокупный доход за период	1 262 009	
Выплаченные дивиденды	(150 000)	
Чистая прибыль/Убыток отчетного года	(442 665)	(1 970 899)

Консолидированный отчет об изменениях капитале на 31 декабря 2019 года.

тыс. сум.

Наименование показателей	Уставный капитал	Добавленный капитал	Резервный капитал	Нераспределенная прибыль	Нераспределенная прибыль по МСФО (корректировка)	Накопленная (Прибыль) / убыток	Итого собственных средств
2019	15 000 000	1 873 486	0	518 656	(2 489 464)	7 093 362	21 995 948
2018	14 000 000	1 873 486	2 890 003	9 348 623			28 112 112

Консолидированный отчет о движении денежных средств на 31 декабря 2019 года.

тыс. сум.

Наименование показателей Денежные поступления в виде комиссионных вознаграждений, тантьем и сборов по перестрахованию	За год, закончившийся 31.12.2018	За год, закончившийся 31.12.2019
Движение денежных средств от операционной деятельности	**54 324 423**	**48 466 140**
Денежные поступления в виде страховых премий по договорам страхования и сострахования	54 324 423	46 886 889
Денежные поступления в виде страховых премий по договорам перестрахования	789 205	102 684
Денежные поступления от оказания услуг страхового посредника, аджастера, сюрвейера	0,0	874
Денежные поступления по возмещениям долей убытков по рискам, переданным в перестрахование и ретроцессию	0,0	1 475 693
Денежные средства, выплаченные в виде страховых премий по договорам перестрахования и ретроцессии	(1 899 716)	(840 091)
Денежные средства, выплаченные в виде страховых возмещений по договорам страхования и сострахования	(7 588 232)	(12 832 581)
Денежные средства, выплаченные в виде возмещений доли убытков по рискам, полученным по перестрахованию и ретроцессии	(1 406 361)	(1 017 333)
Денежные средства, выплаченные страховым посредникам в виде вознаграждений за заключение договоров страхования, сострахования и перестрахования	(4 917 020)	(2 014 012)
Денежные средства, выплаченные за услуги, оказанные актуариями, аджастерами, сюрвейерами, ассистансами	(811 025)	(1 427 248)
Денежные средства, выплаченные на финансирование предупредительных мероприятий	(1 533 250)	(42 737)
Денежные средства, выплаченные работникам и от их имени	(6 828 256)	(12 062 574)
Полученные и выплаченные проценты		
Налоги, на прибыль, уплаченные		
Налог, кроме налога на прибыль, уплаченные		
Другие денежные поступления и выплаты от операционной деятельности	16 842 160	(6 424 426)
Чистые денежные средства, полученные от операционной деятельности	46 182 499	11 805 138
Денежные средства от инвестиционная деятельность		
Приобретение и продажа основных средств	(21 015 317)	(4 632 552)
Приобретенное долгосрочные и краткосрочные инвестиции	(21 106 600)	3 476 945
Чистые денежные средств, использование в инвестиционной деятельности	(42 121 917)	(1 155 607)
Полученные дивиденды	252 630	265 472
Полученные и выплаченные проценты		4 819 860
Денежные средства от финансовая деятельность		
Дивиденды, уплаченные	(66 123)	
Денежные поступление от выпуска акций	7 000 000	
Денежные поступления и выплаты по долгосрочным и краткосрочным кредитам и займам	181 587	(1 317 905)
Денежные поступления и выплаты по долгосрочной аренде	(351 488)	
Другие денежные поступления и выплаты от финансовой деятельности	(1 934 563)	(22 355)
Чистые денежные средства, использование в финансовой деятельности	6 470 034	3 199 715
Уплаченный налоги	(7 640 441)	(4 502 112)
Чистый прирост по денежным средствам и их эквивалентам	2 890 175	9 347 135
Денежные средства и их эквиваленты на конец года ДП	0,0	29 445
Денежные средства и их эквиваленты на начало года	1 243 256	4 133 432
Денежные средства и их эквиваленты на конец года	4 133 432	13 510 012

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Аудиторское заключение по финансовой отчетности АО «KAPITAL SUG'URTA» за период с 1 января по 31 декабря 2019года

Аудиторская проверка проведена Аудиторской компанией **ООО «TTT AUDIT»** в соответствии с национальными стандартами аудиторской деятельности (НСАД) и международными финансовой отчетности. Мы провели аудит прилагаемой консолидированной финансовой отчетности АО «KAPITAL SUGURTA», состоящей из консолидированного отчета о финансовом положении по состоянию на 31 декабря 2019 года, консолидированного отчета о совокупном доходе, консолидированного отчета об изменениях капитала и консолидированного отчета о движении денежных средств за 2019 год, а также информацию о существенных аспектов учетной политики и другой пояснительной информации.

Ответственность руководства хозяйствующего субъекта

Руководство хозяйствующего субъекта несет ответственность за составление и достоверность указанной финансовой отчетности в соответствии с законодательством о бухгалтерском учете и за систему внутреннего контроля.

Ответственность аудиторской организации

Ответственность аудиторской организации заключается в выражении мнения по данной финансовой отчетности на основании проведенной аудиторской проверки.

Мы провели аудиторскую проверку прилагаемой финансовой отчетности АО «KAPITAL SUGURTA». Аудиторская проверка заключается в оценке достоверности и соответствия во всех существенных аспектах финансовой отчетности и иной финансовой информации законодательству о бухгалтерском учете.

Мы провели аудиторскую проверку в соответствии с национальными стандартами аудиторской деятельности. Данные стандарты требуют планирования и проведения аудиторской проверки таким образом, чтобы получить достаточную уверенность в том, что финансовая отчетность не содержит существенных искажений.

Аудиторская проверка включала проведение аудиторские процедур, направленных на получение аудиторских доказательств. Выбор аудиторских процедур является предметом нашего суждения.

Мы полагаем, что полученные в ходе аудиторской проверки аудиторские доказательства дают достаточные основания для выражения мнения о достоверности финансовой отчетности.

Мнение

По нашему мнению, прилагаемая финансовая отчетность, во всех существенных аспектах достоверно отражает финансовое положение Общества по состоянию на 31 декабря 2019 года, а также результаты его деятельности и движение денежных средств за год, закончившийся на данную дату, в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности (МСФО).

Достоверность финансовых результатов подтверждена заключением ООО «TTT AUDIT» от 25 марта 2020 года.

Достоверность годового баланса и финансовой отчетности за 2019 год (в соответствии с НСАД) подтверждается заключением Аудиторской компании от 10 марта 2020 года (лицензия Министерства Финансов Республики Узбекистан АФ №00773 выдана 05 апреля 2019 года.

Финансовая отчётность по МСФО АО «KAPITAL SUG'URTA» за 2019 год опубликована на официальном сайте компании: www. kapitalsugurta.uz без сокращений.

«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаш бошқармасининг 2020 йил 22 июндаги 20/6-1330-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Темур кўчаси, 129-А уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

-1996 йили и/ч. давлат рақами 95/314VSF бўлган "ВАЗ-2106" русумли автомашина Бошланғич баҳоси - 6 101 280 сўм, қониқарсиз ҳолатда, таъмир талаб.

-2001 йили и/ч. давлат рақами 95/315VSF бўлган "ВАЗ-210702" русумли автомашина. Бошланғич баҳоси - 10 881 360 сўм. Қониқарсиз ҳолатда, таъмир талаб.

Аукцион савдоси 2020 йил 6 июль куни соат 11:00 да Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ биносида ўтказилади.

Аризаларни қабул қилиш: Аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00 тўхтатилади. Агарда юқорида кўрсатилган автотранспортлар 2020 йил 6 июль куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаса, такрорий аукцион савдоси 2020 йил 13 июль куни соат 11:00 да ўтказилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Qoraqolpoq mulk markazi» МЧЖ савдо ташкилотчисининг ОАТ «Турон банк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001, МФО: 00585, СТИР: 302 129 374, ОКОНХ: 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй. Тел: (0361) 222-84-44.
Расмий сайтимиз: www.rmm.uz .

Гувоҳнома №9506

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Mahmud TOIR
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Shuhrat JALILOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 751. 2023 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:40.
Topshirilgan vaqti — 00:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5